ИШОНЧ

ШУ АЙМОҒИ БИЛАН БИРЛАШГАН БАРЧАМИЗНИКИ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

13 ДЕКАБРЬ 1996 йил, ЖУМА

№ 99 (346)

Бизнинг шарҳ

ИМКОНИЯТ: ҲАМКОРЛАРНИНГ ЭНГ САРАСИГА

Мамлакатимизда очиқ бозор муносабатлари таркиб топгандан буён бозорларимиз «импорт» молларга шу даражада тўйиндики, биз аксарият ҳолларда ўз шоколадимизнинг мазатаъмини, атир-упаларимизнинг ҳидини унутаёздик. Тадбиркорларимиз ҳам фаолиятининг энг осон йўлини ° улгуржи савдони ўзларига ажралмас касб қилиб олдилар. Ваҳоланки, маҳаллий бозорни фақатгина чет эл моллари билан тўлдириб, истеъмолчилар талабини қондириш муаммосини ҳал қилиб бўлмайди. Бинобарин, Ўзбекистон табиий ресурс ва хом ашёга шу қадар бой диёрки, бозорни ўша маҳсулотлар билан 5-10 баробар кўп ва арзон нархларда тўлдириш мумкин бўларди.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг бир оз мукаммалроқ, тараққий этган тури билан шуғулланаётганлар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхона ҳам очишаётир. Уларнинг сони ҳозирда икки мингтадан ошиб кетди. Лекин, яқинда Президентимиз томонидан эълон қилинган «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармон бу жабҳадаги янада мукаммал, янада самарадор ҳужжат бўлиб, сара ҳамкорлар учун фаолиятнинг кенг уфқларини очади, деб ўйлаймиз. Бу Фармонда бир қатор имтиёзли солиқ турлари ва рағбатлантириш омиллари белгилаб берилганки, бунинг учун корхонанинг низом жамғармасида 300 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган қийматда маблағ бўлиши шарт этиб қўйилган. Низом жамғармаси катта суммани ташкил этишиёқ тузилажак хорижий сармоялар иштирокидаги корхонанинг нуфузидан дарак бериб турибди. Бундан ташқари «қўйилган шарт»лардан яна бири, бундай корхона иштирокчиларидан бири, албатта хорижий юридик шахс бўлиши ва хорижий сармоя улуши низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этишидир. Чунончи, юқорида айтганимиздек, мамлакатимиз бозорини аксарият «импорт» моллар босиб кетганлиги туфайли Фармонда яна бир шарт-талаб қайд этиб ўтилган. Яъни, тузилажак фирма ёки компания «хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар» жумласига кириши ва уларга берилган имтиёз-имкониятлардан тўлақонли фойдаланиши учун хўжалик фаолиятидан тушадиган жами маблағнинг 60 фоизидан кўпроғи ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки сервис хизмати улушига тўғри келиши керак. Мана шу шартлардан келиб чиқиб, қўшма корхона тузган ёки эндиликда тузмоқчи бўлган ҳамюртларимиз қуйидаги солиқ имтиёзларидан «баҳраманд» бўлишлари мумкин.

Фармоннинг 4.1 бандига мувофиқ «Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга маблағ сарфланаётган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқдан озод қилиш муддати 5 йилдан 7 йилга қадар» узайтирилади. Низом жамғармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиздан юқори бўлган бундай корхоналарга яна бир қатор имтиёзлар бор. Масалан, 300 минг АҚШ долларидан 1 миллион долларгача суммалик маблағдан фойдадан олинадиган солиқ 20 фоиз, низом жамғармаси 1 миллион АҚШ долларига тенг ва ундан юқори бўлган суммадан 16 фоиз солиқ олиниши кўзда тутилган.

Фармоннинг яна бир характерли томони шундаки, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмида болаларга мўлжалланган товарлар 25 фоиздан кўп бўлса, улар фойдадан олинадиган солиқдан 5 йилгача озод этиладилар. Мамлакатимиз иқтисодиётига хориж сармоясини кўпроқ инвестиция қилиш, шу орқали ишлб чиқариш қўламини кенгайтириш мақсадида Фармоннинг бир банди қуйидагича «жаранглайди»:

«... Агар корхонанинг низом жамғармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод этилсин». Бу тоифа корхоналарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланадиган фойдаси ҳам солиққа тортилмаслиги билан аҳамиятли. Ўйлаймизки, Фармоннинг бу бандидан руҳланган тадбиркорларимиз фойдаларини қисқа вақт ичида истеъмол қилиб қўймасдан, балки уни ишлаб чиқаришга ўз қувватларини кенгайтиришга сарф қиладилар.

Тоғаймурод ЖУМАҚУЛОВ,
Тошкент Молия институти профессори.

Иқтисодиёт хабарлари

НУРОБОД ҚУВУРЛАРИ

Нуробод тумани марказида поливинил хлориддан қувурлар ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди. Янги корхонани туман ҳудудидаги Жанубий кон бошқармаси Германиянинг «LRS» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этди. Нуроободликлар қурилиш ҳаражатини тўла тўлаш имконини топишди. Шунинг учун эндиликда маҳсулот тўлиқ ўз ихтиёрларида қолади.

Бундай корхона республикамиздагина эмас, балки Марказий Осиёда ҳам ягонадир. Ҳозир заводда 43 киши меҳнат қилаяпти. Иш уч сменада ташкил этилган. Бир кечакундузда 4000 метр турли ўлчамдаги қувурлар чиқарилмоқда.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Илмий-амалий изланишлардан сўнг «Каттақўрғонёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида сафлор ўсимлиги уруғидан мой олиш бошланди. Янги хомашёдан чигитга нисбатан анча кўп ёғ олинмоқда. Бу мой озиқ-овқат саноатида, айниқса майонез, маргарин тайёрлашда жуда қўл келади.

Бу йил туманда 20 минг гектар майдонда сафлор етиштирилди. Усимлик гули буёқ тайёрлашда қўлланилади, пояси эса чорва молларига тўйимли озуқадир.

Рустам ҚУРБОНОВ.

«СОҲИБКОР»ДА БЕПУЛ ОВҚАТЛАНИШАДИ

Термиз шаҳридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёрлаш «Соҳибкор» хусусий фирмаси ишчи-хизматчилари асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланишади. Корхонада иш ўринларини кўпайтиришга ҳам эътибор йил сайин кучайтирилмоқда. Шу йилнинг узида хусусий фирмада тикувчилик ва муасаллас қадоқлаш цехлари ишга туширилди. Эндиликда корхонада ишлаётганларнинг сони 100 нафарга яқинлашиб қолди. Даромаднинг асосий қисми ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда. Бу ерда ишловчиларга бепул тушлик овқат берилаётир. Ишчиларнинг иш ҳақи ҳам кам эмас. Шунинг учун корхонада ишлашга талабгорлар сони ортиб бораяпти...

Зулфия КАТТАЕВА.

Муҳаррир минбари

МАҲАЛЛАНГ - ОТАНГ

Касаба уюшмалари ва маҳалла қўмиталари: ҳамкорлик қирралари

Бу мақол халқимиз орасида кеча пайдо бўлган эмас. Халқ донолигининг амалий ифодаси сифатида асрлар оша бизгача етиб келган. Инсоннинг бошига қандай мушкилот тушса, оилада, қариндош-уруғлар уртасида, қуни-қушни муносабатларида ҳар қандай низоли муаммо, таранг вазият вужудга келса—маҳалла оқсоқолларига мурожаат қилишган. Буни қарангки, ҳар қандай чигаллик шу ерда ечилган ҳам. Инсоннинг бошига тушадиган мусибат, ғам-ташвиш ҳам, оила бахти-хурсандчилиги ҳам маҳалла оқсоқоллари бошқошлигида баҳам кўрилган. Ахир хурсандчилик баҳам кўрилганда маҳаллада қанча одам яшаса оила шодлиги шунча марта кўпайиб, бир қувончга ун қувонч қушилган. Аксинча, ғам-ташвиш эса шунча одамларга бўлиниб, мусибат юки ўн чандон енгиллашган.

Истиқлол туфайли ўзбек халқининг маҳаллалардаги шундай ажойиб анъаналари тикланибгина қолмай, у ривож топмоқда. Бугунги кунда ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этишда ўзўзини бошқаришнинг таъсирчан омиллардан бири сифатида шаҳарчалар , қишлоқлар,овуллар, маҳаллалар фуқаро йиғинлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Маҳалла қўмиталари, маҳалла оқсоқоллари шаҳар, туман кенгашлари эндиликда жамиятимиз ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлаш, турли миллат вакиллари бир жойда аҳил-тотув яшашларига эришиш, аҳоли уртасида жиноятчилик ва бошқа қусурларга қарши кураш олиб боришда, усиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, халқпарвар - комил инсон қилиб тарбиялашда давлат ва ҳокимиятнинг таянч нуқталарига айланганлигини кенг эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Шундай экан, меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлган касаба уюшмалари маҳалла, шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари билан кенг ҳамкорлик қилишдан фақат ютади. Зеро, касаба уюшмаларининг меҳнат кишилари, уларнинг оила аъзолари ижтимоий муҳофазасини таъминлаш учун курашларида маҳалла оқсоқоллари кенгашлари билан ҳамкорликдаги фаолияти, шубҳасиз, катта самаралар беради. Шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари ҲУ қурултойи олдидан юртбошимизнинг қурултой қатнашчилари бўлган касаба уюшма фаолларини қабул қилиб, билдирган мулоҳазаларини эсламай иложимиз йўқ.

Республика Президенти кучли ижтимоий сиёсат хусусида сўзлар экан, бунда касаба уюшмаларининг ўрни ва роли ҳақида батафсил тўхталганди. Айниқса, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини аниқлаш, уларга манзилли (яъни ёрдамга муҳтож кишиларни аниқ топиб) моддий кўмак беришда маҳалламларга берилган ваколатлар тўғри, холисона бўлишини таъминлашда касаба уюшма ташкилотлари иштироки зарурлиги алоҳида таъкидланганди. Чунки ким, қайси оила қандай яшаётгани маҳалла аҳлига , унинг бошқарув йигини аъзоларига кундуздек равшан. Бироқ, бунда умумий ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга, маҳалла қўмиталарининг ҳақиқий муҳтож оилаларга ёрдам беришда йўл қўяётган хато-камчиликлари, баъзан эса, шахсий манфаатлар устун келаётганини ҳам унутмаслик керак.

Пастдан юқоригача касаба қўмитаси вакилларининг мазкур ишдаги фаолияти бир қанча йўналишга эга бўлиши мумкин, яъни кам таъминланган оилаларни аниқ белгилашда ўз аъзоларининг оилавий аҳволини ўрганишда маҳалла билан ҳамкорлик гоят самарали бўлиши турган гап. Иккинчидан эса, меҳнаткашлар ташкилотлари вакили сифатида касабақўмлар фаоллари ижтимоий ёрдам аниқ эгасига бориб етишига ҳам кўмаклашадилар, ҳам буни назорат қиладилар. Ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши муҳтож оилаларга бериладиган ёрдам шу оилаларни оёққа тургизадиган даражада салмоқли бўлишига эришида ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш имконига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ижроси касаба уюшмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини янада кучлироқ заруриятга айлантиради. Эндиликда ушбу Фармонни бажаришда ижтимоий адолат тамойилига қатъий риоя қилиниши гоят муҳим. Бусиз халқ ғамини еб қилинаётган улкан савобли тадбир обрусига путур етказиб қўйиш ҳеч гап эмас. Айни шу ерда касаба уюшма қўмиталарининг маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлигининг биз юқорида қайд этган йўналишлари янада аниқлик, принципиаллик асосида амал қилиши керак бўлади.

Касаба уюшмалари органлари иш жойларини кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш, аҳоли оғирини енгил қиладиган хизмат курсатиш тармоқларини ривожлантириш бўйича ҳудудий тузилмалар билан бир қаторда «Маҳалла» хайрия жамғармаларининг тегишли ташкилотлари билан биргаликда иш олиб боришлари ҳам принципиал аҳамиятга эга. Икки-уч йил муқаддам республикамиз пойтахти ва бошқа қатор шаҳарларда «Завод-маҳалла-завод» ҳаракати бошланганди. Афсуски, мазкур ҳаракат бугунги кунда кенг қулоч ёйди, деб айтиш қийин. Бизнингча, ҳудди шу борада корхоналар касаба қўмиталари ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятларини намойиш этиш имконига эга бўлардилар. Бевосита маҳаллаларда корхонанинг кўп қўл меҳнатини талаб қиладиган иш жараёнлари билан боғлиқ цех ёки филиалларини ташкил этиш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қасаначилик ҳаракати кенг ёйилишига ҳисса қўшиш, хизмат курсатиш тармоқларини ривожлантириш — бу ишларнинг ҳаммаси асосий корхоналар раҳбарлари билан бирга касабақўм фаолларининг интилишлари, қатъият ва фидоийиликларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Касабақўмларнинг меҳнаткашлар турар жойларида олиб борадиган муҳим ишларидан бири ёш авлодни тарбиялашда ҳам маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорлик уфқлари кенг. Турли маданий-маиший, спорт ва жисмоний тарбия иншоотларини бунёд этишда, маҳаллаларда гузарлар қуришда уларга амалий ёрдам беришнинг қанчалик муҳим эканлигини таъкидлаб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак. Айни пайтда касабақўмиталари меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси оилада, маҳаллада ўзини қандай тутиши, унинг маънавий қиёфасини ўша ерда кўпроқ билиб олади. Касаба уюшма аъзоларининг оилавий аҳволи, кам-кусти, нималарга қодиру, нималарга мухтожлигини ҳам ўша ерда яхшироқ аниқлаш мумкин.

Мактабнинг юқори синфларида уқитилаётган ўсмирлар, тарбияси мураккаб ёшларни вақтинча ёки доимий иш билан таъминлаш, уларни меҳнат жамоаларининг ҳаёт муҳитига олиб кириш билан касаба қўмиталари бевосита оилаларга, маҳалла оқсоқоллари йигинлари бошқарувига ёрдам қўлларини чўзадилар. Шу каби тадбирлар билан қанчадан-қанча ёшларни жиноят йўлидан қайтариб қолиш, уларга поклик ва тўғрилик, жамият учун фойдали бўлиш руҳини сингдиришга муваффақ бўлиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, касаба уюшма ташкилотларининг маҳалла, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлик шакллари хилма-хил ва кенг қамровли бўлиб, мамлакатимизда келажаги буюк давлатни барпо этиш йўлидаги умумий мақсад ва интилишларимизга гоят мос келади. Бу ўз навбатида мана шу ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Завод ва ижтимоий ҳимоя

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Қизириқ туман пахта тозалаш заводи Сурхондарё вилоятидаги йирик жамоалардан бири ҳисобланади. Бу ерда қарийб 600 киши меҳнат қилади. Заводда ингичка ва ўрта толали пахта навлари қайта ишланиб, сифатли тола тайёрланмоқда. Буюртмачилар сони ҳам йил сайин ортиб бораяпти. Собиқ СССР даврида бу ерда тайёрланган толалар асосан Россияга жўнатилган бўлса, айни пайтда Англия, Америка, Австрия, Хитой, Франция каби ўнлаб чет мамлакатларга юборилмоқда. Маҳсулотнинг сифати завод довруғига довруғ қўшмоқда.

Хўш, ана шундай йирик бир саноат корхонасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор қанақа? Биз ушбу саволга аниқ жавоб топиш мақсадида мазкур корхонага ташриф буюрдик. Завод директори Эшбой Усмонов ташрифимизни илиқ кутиб олди. У билан хол-аҳвол сурашгач, мақсадимизни билдирдик. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида узи ва завод маъмурияти томонидан амалга оширилаётган тадбирлар хусусида батафсил тўхталди.

(Давоми 2-бетда)



Суратда: Қизириқ туман пахта тозалаш заводининг ишчилари Ш. Норов ва А. Рахматовлар.
Ш. РАШИДОВ олган сурат.

Мулоҳаза, мунозара, таклифлар

ЮРТИМНИНГ ЎЗ ҚЎШИҒИ БЎЛСИН

Сўнгги пайтларда биз маънавият, маданият, қадриятлар ҳақида кўп гапиряпмиз, кўп мунозаралар қиляпмиз. Давлат ҳам жамият ҳаётининг шу жабҳасига катта эътибор бераяпти. Қатор қарорлар, фармонлар чиқарилмоқда.

Шу муносабат билан санъатимизнинг энг кўзга кўринган дарғаларидан бири, қўшиқчилик ва асосан мақомчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшган севикли хонандамиз Берта Давидова билан суҳбат қилгани шайландим.

Берта опа мени узларига хос лутф ва назокат, дилбар табассум билан қаршиладилар. У кишига қараб, ҳеч 70 ёш бергим келмайди. Ҳали ҳам қош-кузлари ёш жувонларникидек пирпираб турибди. «Чинакам ҳусн сунмас экан», деб ўйлайман.

Бизнинг авлод дидини айнан Берта опа яшаб ижод қилган давр санъаткорлари тарбиялаб, шакллантирган, устирган десам муболага бўлмас. Чунки айнан шулар чинакам санъатнинг чинакам вакиллари, жонбозлари эдилар. Ҳалима Носирова, Зайнаб Полвонова, Шаҳодат Раҳимова, Эътибор Жалилова, Коммуна Исмоилова, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Карим Муминов, Ориф Алимахсумов, Маҳмуджон Гофуров, Фароғат Раҳматова, Малоҳат Дадабоева, Ҳадя Юсупова, акака Шожалиловлар... Бу руйхат катта эди. Улар узбек қушиқчилиги, мақомчилиги ва умуман санъатнинг ривожлантирувчи кучи бўлибгина қолмай, катта бир мактаб яратган инсонлар эди. Айнан шулар Юнус Ражабийдек улкан устознинг сабоқларини олган, мактабини кўрган санъатчилар эди. Эндиликда эса, бу буюк устоз мактабининг сирларини шогирдларга бус-бутун етказиб берувчилардан бири Берта Давидовадир.

— Берта опа, юртимизда сизнинг номингизни билмаган, қўшиқларингизу овозингиздан баҳраманд бўлмаган киши йўқ, чамамда. Ҳаётингиз ва ижодингиз билан ҳам кўпчилик қизиқса керак деб ўйлайман.

— Мен 1925 йилда Маргилонда туғилганман. Отам Довудбой катта ер — Ёзёвон ҳудудининг эгаси бўлган. Онам Норбибидан етти фарзанд кўрган: 6 ўғил, бир қиз. Мен фарзандлар орасида учинчиси эдим. Энг катта акам Мардухай Давидов кўп йиллар Алишер Навоий номли опера ва балет театрида артист бўлиб, элда анчагина таниқли инсон эди. Қолган ака-укаларим ҳар соҳада ишлаб, уз йўлини топиб кетишди.

Оиламиз жуда кўп қийинчиликлар кўрган оилалардан бири. Юртимиз 1924 йилда Узбекистон Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилингач, отамни Шуро ҳукумати «қулоқ» қилмоқчи бўлган. Лекин у пайтда отамнинг қўлларида бир пайтлар хизмат қилган Йулдош ота Охунбобоев республиканинг Президенти қилиб тайинланган эдилар. Отамни камбағалпарвар, халқпарвар киши эканлигини яхши билган Йулдош ота Самарқандга чақиртириб, «қулоқ» бўлишликдан қутқариб қолган. Йулдош эганинг Ёзёвонда мироблик қилаётган укалари Абдурауф ака у кишига бу ҳақда хабар берган экан. Президентнинг маслаҳати билан отам бор йўғини узи тузган янги колхозга ўтказиб, шу жамоада раислик қилган. Катта боғимиз бўларди, унда отам болалар боғчаси қурдириб берган.

1933 йилда отам вафотидан сўнг тоғам Исоқ ака бизларни Тошкентга кучириб олиб келди. Уша пайтда очарчилик авжига чиққан эди. Болаларни қандай қилиб боқаман деб куйинган онамга тоғам уч ўғилни болалар уйига топширишни маслаҳат берди. Онамни эса Охунбобоев ота болалар боғчасига ошпаз қилиб жойлаб қўйишга ёрдам бердилар.

Мен ҳозирги Йулдош Охунбобоев номидаги тиббиёт техникумига кириб ўқидим. Уни битиргач, Эски Жувадаги 4-поликлиникада ҳамшираликка қолдим. II Жаҳон уруши бошланганида мен 15 ёшли қизалоқ эдим. Шунинг учун мени фронтга жунатмадилар. Топган маблагим етмаганидан, ҳарбий госпиталдан ҳам иш олдим, юқумли ҳасталиклар касалхонасида навбатчиликда туриб хизмат қилдим.

Қушиқ айтишни яхши кўрардим. Бир куни радиога бордим. У пайтда радио қошида ўзбек анса-мбли деган гуруҳ бўларди. Унинг раҳбари Юнус Ражабий овозимни эшитиб, гуруҳга қатнашиб туришимни таклиф этдилар. Қувончим ичимга сиғмай уйга қайтдим. Шу бўлди-ю радиога қатнай бошладим. У ишхонадан бунисига югураман, уртада радиога шошиб келиб қўшиқ урганаман. Куним қандай утганини билмай қоламан. Ниҳоятда чарчаб толиқаману, қўшиқ айтганимда гуё барча чарчоқларим чиқиб кетгандай туюлади. Шуниси қизиқки, шаҳарнинг турт томонида жойлашган ишхоналаримга пиёда қатнайман, чунки трамвайлар кам буларди, бўлганда ҳам тиқилинч, одам кўп, вагонларга чиқиб бўлмасди. Санъатга меҳрим шунчалик зўр эди... Радиокомитетда 45 йил ишлабман. 300 дан ортиқ қўшиқнинг ҳам сўзи, ҳам куйи ҳамон есимда турибди. Бундай ўйлаб кўрсам, ҳаётимда бирон дақиқам ҳам қўшиқсиз утмаган экан.

(Давоми 3- бетда)

Етти иқлим нафаси

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Россия қуролли кучлари Чеченистонда ҳарбий ҳаракатлар бошлаганига икки йил тўлди. Ушанда мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири саноқли кунлар ичида Чеченистонда керакли тарзда тартиб ўрнатишини ваъда қилганди. Бироқ Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатлар Россия учун, қолаверса Чеченистон халқи учун ҳам жуда қимматга тушди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги кескинлик нуқталари журналистлар учун ҳам қимматга тушмоқда. Кейинги беш йилда шу ҳамдўстликда 135 журналист ҳалок бўлган. Улардан 27 таси Москвада ҳаёт билан бевақт видолашган.

****

Генерал Игорь Родионов ҳарбий хизматдан бўшатилди. Шунга қарамай у Россия Мудофаа вазири лавозимида қолаверади. И.Родионов Кавказ ортидаги Россия қўшинларига раҳбарлик қилганида Тбилисидаги намойишчиларни шафқатсиз жазолашга бевосита бошчилик қилган. У албатта, ҳарбий сифатида буйруқни бажарган, холос. Бироқ, Тбилиси воқеаларидан буён шунча вақт ўтганига қарамасдан ўшанда айнан қайси лавозимли шахс шундай буйруқ берганини И.Родионов ҳамон сир сақламоқда.

****

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев расмий давлат ташрифи билан Ҳиндистонда бўлди. Ташриф чоғида икки мамлакатнинг узаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришга оид муҳим шартномалар имзоланди. Ташриф якунларига бағишланган матбуот конференциясида икки мамлакатнинг кенг қўламли ҳамкорлиги янада равнақ топиши учун мустаҳкам замин ҳозирлангани таъкидланди.

****

Тожикистонда ўт очишни тўхтатиш хусусида келишиб олинди. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг мухолифчи кучлар раҳбари Абдулло Нурий билан учрашуви шундай натижа берди. Учрашув чоғида бир қатор масалалар хусусида ҳам келишиб олинди. Шу ойнинг 19 санасида Москвада бўладиган кенгайтирилган учрашувда Тожикистондаги вазиятни яхшилаш йўлида янада муҳим қадамлар қўйилиши кутилмоқда.

****

Туркманистон Озиқ-овқат саноати уюшмаси Америка фирмаларидан бири билан хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган корхона барпо этадиган бўлди. Янги заводни бир ярим йил ичида Чоржўй шаҳрида қуриш режалаштирилди. «Америкэн коммюникейшн консалтинг Инк» фирмаси зарур асбоб-ускуналар билан заводни таъминлайди. Маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариладиган хўжалик совуни Туркманистон аҳолисининг эҳтиежини қондиради, деб мўлжалланмоқда.

ХОРИЖДА

НАТОга аъзо давлатлар хорижий ишлар вазирларининг учрашувида Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмасининг навбатдаги сессияси келаси йили 8-9 июлда Брюсселда бўлиши келишиб олинди. Сессияда НАТОга янги аъзо давлатлар қабул қилиш масаласи узил-кесил ҳал қилинади. НАТОга янги қабул қилинадиган давлатлар ҳудудида ядро қуроли ўрнатмаслик мўлжалланмоқда.

****

Форс кўрфази ҳудудидаги беш давлат вакилларининг навбатдаги учрашувида Исроил-Фаластин муаммоси тезроқ ҳал қилинишни сўраб чиқилди. Исроил-Фаластин мозароси Яқин Шарқдаги асосий кескинлик ўчоги сифатида қаралмоқда. Айни пайтда Форс кўрфази ҳудудидаги давлатлар зўр бериб қуроллланмоқдалар. Биргина Саудия Арабистони кейинги йилларда АҚШдан қиймати 500 млн. доллар турадиган замонавий қурол-яроғ харид қилган.

****

Шарқий Қуддус Фаластин давлатининг маркази бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу муносабат билан Фаластин раҳбари Ясир Арафат бу ерда исроилликлар учун янги турар-жой бинолари қурилишига қарши чиқмоқда. Исроил билан имзоланиши мўлжалланаётган шартномада бундай турар-жой бинолари қурилиши назарда тутилмаган. Бу икки томоннинг бир фикрга келишида асосий тўсиқ бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

****

Сербияда ҳокимиятнинг маҳаллий ташкилотларига ўтказилган сайлов натижалари сохталаштирилгани сабабли норозилик намойишлари ҳамон давом этаётир. Бу мамлакатдаги нотинчлик қўшни давлатларни жиддий ташвишлантирмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи Сербия раҳбариятини сайловлар натижаларига нисбатан холис муносабатда бўлишга чақирди. Айни пайтда Сербия ишчилар касаба уюшмаси норозилик намойишларини қўллаб-қувватлади.

****

Келгуси йил январь ойининг иккинчи ярмида Ашгабадда Афғонистондаги тангликка бағишланган халқаро анжуман бўлиши кутилмоқда. Анжуманда Афғонистондаги қарши томонларни муросага келтириш масаласи кўриб чиқилади. Ҳозирги пайтда собиқ Президент Б.Раббоний билан Толиблар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳамон сақланиб қолмоқда.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида

ФАОЛИЯТ КУЧАЙТИРИЛМОҒИ КЕРАК

(Наманган вилояти касаба уюшмалари фаоллари йиғилишидан)

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашини навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоят, халқ хўжалигини тараққий эттириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига утиш шароитида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қилинаётган ишларга холисона баҳо бериш билан бир қаторда йўл қўйилаётган хато-камчиликларни ҳам алоҳида тилга олиб утди. Ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳасида бир ерда депсиниш юз бераётганлиги, амалдаги йилда пахта тайёрлаш режаси бой берилганлиги, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам сезиларли усишга эришилмаётганлиги, булар охир-оқибатда халқ турмуш даражасини қутаришга салбий таъсир этаётганлиги сир эмас. Булар, шубҳасиз вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларидан, барча жамоат ташкилотларидан, жумладан касаба уюшмаларидан ҳам ўз фаолиятларида кескин узгаришлар ясашни тақазо қилади. Бинобарин, вилоят касаба уюшмалар фаолларининг йиғилиши худди ана шу масалага бағишланди. Унда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Каримжон Раимжонов «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг нутқидан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифалар» мавзуида маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, вилоят касаба уюшмалари иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашмоқдалар. Вилоят ҳокимлиги билан тузилган ҳамкорлик келишуви асосида касаба уюшмалари ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифалар» мавзуида маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, вилоят касаба уюшмалари иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашмоқдалар. Вилоят ҳокимлиги билан тузилган ҳамкорлик келишуви асосида касаба уюшмалари ташкилотлари ва ишлаб чиқариш жамоаларида ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий томондан муҳофаза этиб бемалол ишлашлиги ҳамда таълим олишлигини таъминламоқда. Бошлангич касаба уюшма ташкилотларида, касаба уюшмаларининг туман, вилоят тармоқларида, туман мувофиқлаштирувчи кенгашларида бозор иқтисодиётининг қийинчиликларидан, турмуш даражасининг пасайиб кетишидан ҳимоялаш мақсадида жамоа шартномалари ва келишувлар тузилган. Касаба уюшмалари ана шу муҳим ҳужжат орқали ходимларни иш билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тулаш, инфляция даражасига қараб иш ҳақларини ошириб бориш, улар меҳнатини муҳофазалаш, соғломлаштириш мажбуриятларини қўймоқдалар. Лекин касаба уюшма фаолларининг олиб бораётган ишларига бугунги кун талабидан келиб чиқиб танқидий нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак бир қатор нуқсонлар ҳам мавжудлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Чунончи, Президентимиз ўз нутқларида «иқтисодий сиесатимизнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, кичик ва ўрта корхоналар қуриш, янги иш жойларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун савдо ва маиший хизматнинг ҳамма турларини муҳайё этишдир», дея кўрсатиб ўтдилар, деди маърузачи. Хўш, бу йўналишда касаба уюшмалари қандай ишларни олиб бормоқда? Маълумки жамоа шартномаларига корхоналарда қўшимча цехлар, филиаллар, кичик корхоналар қуриш, маҳсулдорини қайта жиҳозлаш ҳисобига янги иш ўринларини барпо

(Давоми 2-бетда)

ФАОЛИЯТ КУЧАЙТИРИЛМОҒИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

этиш мажбурияти киритилган. Лекин касаба уюшмалари бошлангич ташкилот етакчилари, фаолларнинг масъулиятсизлиги туфайли бу талаб амалда бажарилмаяпти. Натижада корхоналарда қушимча ходимларни ишга тортиш у ёқда турсин, ҳатто ишлаётганлари бушатиб юборилмоқда. Саноат корхоналаридаги аҳволни таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилга нисбатан енгил саноат корхоналарида 5835, маҳаллий саноатда эса 2493 кишига камайиб кетган. Янгиқўрғон туманидаги саноат ташкилотларида ишловчилар сони булгургидан органи ҳолда Уйчи туманида 479, Тўрақўрғон туманида 545, Косонсой туманида 1215 нафар ишловчига камайган. Косонсой шаҳридаги «Кушон» пойафзал ишлаб чиқариш акционерлик жамиятида 42 фоиз ишловчи колган холос. Бундай ҳолатни Тошбулоқдаги пойафзал фабрикасида, Тўрақўрғондаги «Ширинлик» комбинатида, Наманган шаҳридаги «Шоҳи сузана» ҳиссадорлик жамиятида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур корхоналарнинг касаба уюшма қўмиталари раҳбарлари ўз аъзоларини иш билан таъминлашда иш берувчилар олдига қатъийроқ талаблар қўймаяптилар.

Президентимиз ўз нутқларида вилоят аҳолисига, хусусан, қишлоқ жойларида савдо хизмати кўрсатиш аҳволидан ҳаққоний равишда ранжидилар, дея давом этди К.Раимжонов. Касаба уюшма аъзоларининг сони жиҳатидан вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси етакчи ўрин тутади. Тармоқдаги касаба уюшма аъзоларининг 76 фоизи ушбу тизимда меҳнат қилади, Аммо йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида бу тизимдаги касаба уюшма аъзоларининг сони 2823 кишига камайган. Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси ташкилотларида тўланмаган маош миқдори 8 миллион 440 минг сўмга етган. Президентимиз ҳақли равишда вилоят қишлоқларидаги маиший хизмат шаҳобчаларининг фаолияти қониқарсиз эканлигини билдирди. Дарҳақиқат, ҳар уч қишлоқдан бирида ҳаммом, суратхона, косибчилик, тикувчилик каби энг зарур хизмат турлари йўқ. Касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу ҳолатга келишувчанлик қилмоқдалар. Масалан, Мингбулоқ тумани касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгашининг туман ҳокимлиги билан тузган келишувига «ҳар бир қишлоқда кундалик эҳтиёжга зарур бўлган маиший хизмат нуқталари бўлишига эришиш керак» деган алоҳида банд киритилганига қарамасдан унинг бажарилишини назорат қилиш унутиб қўйилмоқда. Халқ таълимини ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинаётганлигига қарамасдан ҳали камчиликлар кўпи ўқув муассасалари, болалар боғчаларини қуриш аҳолининг ўсиш суръатидан орқада қолмоқда. Агар 1993 йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан 9524 ўринли мактаб, 1320 ўринли болалар боғчалари қурилган бўлса, 1996 йилга келиб 4523 ўринли мактаб, боғча-ясли барпо этилди холос. 428 мактаб икки сменада ишлаяпти, 293 та мактабда спортзал йўқ. Тармоқ ходимларига ойлик маошлар тўлаш, нафақа, таътил пулларини бериш гоҳо кечикиб қолмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, спорт ва жисмоний тарбия оммавийлигига эришишда ҳам бир талай камчиликлар мавжуд. Маънавият ва маърифат соҳасида оқсаш юз бермоқда. 1991 йилга нисбатан қутубхоналардаги ўқувчилар сони 12 минг кишига камайиб кетган. Китоб фондлари янгиланмаяпти. Мингбулоқ туманидаги «Гулистон», Уйчи туманидаги «Қизил-равот», Чуст туманидаги «Баймоқ» жамоа хўжаликларида, Учқўрғон пахта заводида бу борадаги аҳвол айниқса ачинарлидир. Бир маҳаллар Наманган шаҳрининг эмас, вилоят фахри ҳисобланган Давлатобод туманидаги «Тўқимачилар» Маданият саройида 1994 йилдаги 44 маданият ходимидан ҳозирда атиги 19 киши ишлаяпти холос. Касаба уюшма ташкилотининг ташаббуси билан сотиб олинган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, китоблар эскириб қолган. Президентимиз одилона кўрсатиб ўтганидек, қишлоқ хўжалигидаги ҳолат ҳам одамни ташвишлантиради. Вилоят аҳолиси қўпайиб бораётганлигига қарамасдан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга қараганда камайиб кетган. Юқорида тилга олиб ўтилган хатокамчиликларни тугатишда, муаммоларни ҳал этишда фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришда касаба уюшмалари ўз фаолликларини кучайтиришлари талаб этилади, деди К.Раимжонов ўз сўзининг охирида.

Маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққан вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси И.Мирзараҳматов, касаба уюшмалари «Узбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси Э.Норматов, «Атлас» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси П.Сатторова ва бошқалар эришилган ютуқларга тўхталдилар, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йигилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Фаоллар йигилишида қатнашган вилоят ҳокимининг ўринбосари Маликахон Рустамова нутқ сўзлади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч» бонг уради

ДЕҲҚОНГА РАСТАЛАРДА ЖОЙ БЎЛАДИМИ?

Ҳар бир элнинг бозори унинг дастурхони тўкинлиги, иқтисодий аҳволи, қолаверса, қорни оч ёки тўқлигини яққол кўрсатувчи кўзгудир. Бир қарашда бозорнинг мўл-кўллиги ҳамманинг ҳавасини келтиради. Бозорни кўзгуга қиёс қиласиз. Лекин кўзгу фақат борлиқнинг ташқи кўринишигина тўлатўкис акс эттиради. Суратнинг сийрати, шаклнинг мазмуни қай аҳволдалигини эса афсуски кўзгу очиб бера олмайди.

Гап шундаки, бугун бозорларимиз, уларнинг фаолиятига, қолаверса, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратаяптики, фақат ташқи кўринишга қараб эмас, моҳиятга қараб баҳо бериши керак бўлади чамаси!

Бозор нима? У қандай жой? Бу саволларга дабдурустдан жавоб топиб кўринчи...

Бугунги кунда тирикчилик ташвишида, қозон қайнатиш мақсадида бозорга чиққан ҳар бир одам минг бир тасодифларга дуч келиши шубҳасиз. Шу тасодифлар сабаб унинг бозори баъзан бароридан келади. Баъзан эса дили ҳуфтон бўлиб уйга қайтади. Бозор бозорлигини қилганидан ҳуноби ошади. Бозор ҳақида гап кетар экан, унинг ортидаги минг бир муаммонинг ҳар бири тўғрисида тўхталмоқка имкон йўқ. Зеро ҳали бозорларимиз илдиз отиб кетган камчиликлардан ҳоли эмас. Бозорга кираверишдаги урпатиб қўйилган кассалар - давлат хазинасини дарчалари тушган маблағнинг ҳаммасини ҳеч нарсага тенглаштирмайдиган ҳазинага топшириладиган ҳар муаммо бўлса, сифатсиз чет эл маҳсулотларининг ҳар икки растанинг бирида чақ-қон сотилиши, бундан аҳоли саломатлигига зарар етиши иккинчи муаммодир. Булар қачон ечимини топади, бу ёғи қоронғу.

Лекин биз бозор ортидаги бошқа бир муаммога эътиборингизни тортмоқчи эдик. Аслини олганда бу қўриниши ҳамманинг кўзига сингиб кетган бўлиб, бозор шуниси билан бозорга ўхшайдигандай туюлади. Деҳқон маҳсулотини ерда, очиқ аҳволда чаққон пуллаяпти расталардан қура ерда савдо қизғин. Лекин покизалик нуқтаи-назаридан қараса-сак санитария қоидаларига риоя қиладиган бўлсак бундай ҳолат ҳаммамизни ранжитади. Агар сиз бирор хонадоннинг қандай яшаётганини, озодами ёки саришталигини билмоқчи бўлсангиз, ўша уйининг остонасига қадам қўйганингиздаёқ аҳволни билиб оласиз. Минг афсуски, биз шаҳримизда яқинда таъминланиб ишга туширилган ҳашаматли сервайз «Миробод» бозорининг остонасидаёқ янги «рузғор»-бесаришта эканининг гувоҳи бўлдик. Кмраверишдан ерда ўз маҳсулотини ейиб сотиб утирган деҳқонларга кўзимиз тушди. Одамлар оёғи остидан қутарилаётган чангдан тўйинган маҳсулот харидорга сотилмоқда. Бунинг сабаби билан қизиқдик. Китоблик деҳқон Шамид Қобилов билан сухбатлашганимизда деҳқондан жой учун ҳақ олган паттачилар унга жой беришни унутиб қўйишгани маълум бўлди. Биз ерда турна-қатор бўлиб олди-сотди қилаётганларнинг яна бир нечтаси билан суҳбатлашганимизда улар ҳам ҳудди шу гапни айтишди.

Қизиги шундаки, бу суҳбатлар бизга ҳамроҳлик қилаётган санитария милиция сержанти К.Алимардоновга ёқмади. У кишининг газаби деҳқонларнинг «овозини учирди». Таассуфки, бу ҳол бир неча маротаба такрорланди. Бозорни кездан кечираркамиз, расталарни тулдирган кийим-кечак, эски темир терсак, шунга ўхшаш ҳужалик молларига кўзимиз тушди. Қизиқ, нега деҳқон бозорида улар учун жой бору, деҳқоннинг моли ерда? Ваҳоланки, кийим-кечаклар сотиш учун фақат деҳқондан ортган ортиқча жойдагина рухсат берилган. Совуқни писанд қилмасдан республикамизни турли бурчакларидан келган деҳқонлар сотаётган карам, олма, анор ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар ёмғир пайтида лой, қуруқ пайтда чанг юқтирмайди деб ким кафолат бера олади. Деҳқон бечора расталарни узиники қилиб олган олиб-сотарлар билан бир хилда чипта ҳақи туласа ҳам маҳсулот аталадиган сариёғ, колбаса билан бирга совун, порошок ҳамда музлатилган товуқ гуштини қули-қулига тегмасдан пулламоқда. Ҳужжатсиз савдо қилаётган бу шунқор фаолиятидан наҳотки бозор санитарияси ходимлари бехабар бўлсалар?

Энди айтингчи, касалхоналарда ошқозон ичак касалликларидан азият чекаётган одамларга ҳудди шу нарса сабаб эмасмикан? Хонаки пиширилган таомларнинг якка шахслар томонидан ҳеч қандай рухсатсиз ёки қаршиликсиз сотилиши, улардан бушаган идишларнинг қандай ювилиши ноъмалум бўлган бу ердаги очиқ-ойдин антисанитария ҳолати наҳотки бозор мутахассисларининг эътиборини тортмаётган бўлса?!

Биз қатор саволларимизга жавоб излаб бу очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси билан учрашмоқчи бўлганимизда, бунинг иложи бўлмади. Бизга раис муовини М.Мираҳмедов пешвоз чиқди. Табиийки, бозордаги аҳволни узича шарҳлаб, вазиятни оқламоқчи бўлди. Унинг айтишича, ерда маҳсулот сотиш деҳқонга теккан касал эмиш, шундай қилмаса унинг кунгли жойига тушмасмиш! Ана сизга «мукаммал» жавоб. Муовин яна бозорда кийим-кечак сотишга рухсат берилгани тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади.

Ҳулоса қиладиган бўлсак, бу янги «уй»да рузғор тебратаётган соҳиби хонадонлар тартиб-интизом, саранжом-саришталикка эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишмаган кўринади. Бироқ бозорнинг файзи ана шу саранжом-саришталикда, тартиб-интизомда. Зеро бугун бозор бозордек бўлиши керак ва ундан ҳамманинг кунгли тўлиши керак.

Омонқул БОЙҚУЛОВ
Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология станциясининг етакчи мутахассиси.
Улуғбек АҲРОРОВ,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Корхонамизда ҳар бир ходим завод шарафи учун, завод маъмуриятининг эса ҳар бир ишчининг уй шароити, рузғори, маданий дам олиб хордиқ чиқаришни тўғрисида қайғуриш одат тусига айланиб қолган,-дея сўз бошлади Эшбой Усмонов, - бу одат узининг ижобий самарасини бераяпти. Очиқ айтадиган бўлсам, бизда оддий қоровуллан тортиб, то бош муҳандисгача доимо маъмуриятнинг эътиборида. Тугилган кунлар, туй-маъракалар, анъанавий байрамлар, турли қизиқарли ва мазмунли тадбирлар учун завод касаба уюшма қумитаси билан маслахатлашган ҳолда алоҳида маблағ ажратганмиз. Ана шу тадбирларни утказиш ва ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш эса ҳамиша эътиборимизда.

- Эшбой Усмонович, ҳозир озгина бўлсада талаб билан таъминот ўртасида узилиш бор. Ана шундай бир жараёнда завод ишчиларига қандай амалий ёрдам кўрсатилмоқда?

-Саволингиз уринли. Аввало шуни айтиш лозимки бизда асосан 500 киши ишлайди. Пахта йиғим-терими мавсуми пайтида қушимча 90-100 кишини вақтинчалик ишга қабул қиламиз. Чунки, бу қушимча ишчи кучи бизга янги пахта ҳосилини қарамлаш учун керак булади. Қисқа қилиб айтганда ана шу 600 кишини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бурчимиз ҳисобланади. Баҳоли-қудрат ҳимоя қилаяпмиз ҳам. Ҳисоб рақамимизда бугунги кунда 1,5 миллион сўм маблағимиз бор. Эрта-индин яна 15 миллион сўм тушиши керак. Ҳуллас, маблағимиз етарли. Шу боис ишчиларнинг ойлик маошларини ўз вақтида берилишини таъминлаяпмиз. Ўртача ҳар бир ишчининг ойлик маоши 1,5-2 минг сўмдан тўғри келаяпти. Биз ишчиларга фақат маош бериш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Йил бошидан буён бу ерда ишловчиларга 10 тонна ўсимлик ёғи, 73 тонна ун,15 минг дона совун, 2,2 тонна шакар, 3 тонна кондитер маҳсулотлари тарқатиб бердик. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан мунтазам равишда таъминлаб турибмиз.

- Эшитишимизга қараганда ўз ёрдамчи хўжаликларингиз бор экан, шу тўғрими?

- Тўғри. Завод қошида ёрдамчи хўжалигимиз мавжуд. Унга тажрибали деҳқон ва чорвадор Бахтиёр Қодиржонов етакчилик қилмоқда. Бу ерда 45 бош қорамолимиз бор. Шундан 19 бош сигир соғилади. Олинаётган сутнинг бир қисми болалар боғчасига берилаётган булса, бир қисми ишчиларга бепул тарқатилмоқда. 50 қути асаларимиз бор. Ундан бу йил 400 килограмм асал олдик ва ишчиларга тарқатиб бердик. Яқинда 100 бош совлиқ сотиб олдик. Бу 1997 йил баҳорига келиб, яна 100 бошга кўпайиши аниқ. Ана шу ёрдамчи хўжалик ҳисобидан байрам пайтлари ҳар бир ишчига 2 килограммдан гўшт бераяпмиз.

Бундан ташқари, ишчиларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олиб, уларни турли хил соликлардан озод қилиш, транспорт ҳаражатларини бепул қилиш ишларини ҳам тўғри йўлга қўйганмиз. Бу борада бизга завод касаба уюшма қумитаси раиси М. Холмуродов яқиндан ёрдам бераяпти.

- Эшбой Усмонович, айтинг-чи заводнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати қанақа?

-Завод йилига 23-24 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Лекин биз бу рақамдан ошириб пахтани қайта ишлашга муваффақ бўлаяпмиз. 31 минг тонна пахтани қайта ишлашни режалаштирганмиз. Ҳозиргача янги пахта хосилидан 10 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаб, сифатли тола тайёрладик. Қисқа қилиб айтганда бир суткада 45-50 тонна тола ҳозирланмоқда.

Биз завод директори Эшбой Усмонов билан биргаликда корхона цехларини айланиб кўрдик, ишчилар билан дилдан суҳбатлашдик. Ҳақиқатан ҳам заводда иш жараёнлари бир маромда олиб борилмоқда. Ҳаммаёқ тозаозода. Ҳар бир нарса тартиб билан уз урнига қўйилган. Ишчилар уз вазифасига қараб, уз бурчларини виждонан адо этмоқда. Исмоил Мейлибоев, Равшан Номозов, Мингтош Рустамова, Уктам Қиличев каби ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашганимизда улар уз ишларидан, завод маъмуриятининг ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб бораётган фаолиятидан мамнун булиб гапиришди.

Энг муҳими заводда маъмурият билан завод касаба уюшма қумитасининг ҳамкорликдаги меҳнат шартномасига қатъий амал қилинаётганлиги сезилиб турибди. Хуллас, бу ерда ҳар бир ишчининг унумли меҳнат қилиб, маданий дам олиши кафолатланган, Кафолат — муваффақиятлар гарови эканлигини сира унутмаслигимиз керак.

Заводдан қайтар эканмиз меҳнатни тўғри ташкил этиб, кишиларни ижтимоий ҳимоялашни биринчи галдаги вазифа деб билган корхона раҳбарларининг бундан кейинги ишларига ривож тиладик.

Ахрор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бизнинг суҳбат

ДАРДЛАРГА ДАРМОН БЎЛАЯПМИЗ

— дейди Сурхондарё вилоят, савдо умумий овқатланиш матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллардаги ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси - Хамид Қўзимуродов билан суҳбат.

- Ҳамид ака! Бозор иқтисодиёти шароитида сиз бошқараётган қўмита аъзолари ижтимоий муҳофазани кучайтириш борасида қандай ишлар олиб боришяпти?

- Мен бошчилик қилаётган касаба уюшмалари қумитасида 15 минг нафар аъзо бор. Бугунги ўтиш даврида бозор иқтисодиёти муаммоларини ҳал қилиш ходимларимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, уларни иш уринларини меҳнат қонуни асосида ҳуқуқлар билан кафолатлаб, мунтазам ҳимоя остига олиш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Жамоа шартномасини ишчи манфаатларига мос келадиган этиб, қонуний шарт-шароитлар яратиб бериши таъмин этиш айнан касаба уюшмалари қумитаси вазифасидан урин олган. Шу мақсадда Денов тумани касаба уюшмаси қумитасида янги меҳнат шартномаси тузишга доир ўқув ўтказилди.

Термиз шаҳрида бу йили қўпгина ҳужаликлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, 50 га яқин ишлаб чиқариш ва тикув, қандолат цехлари корхоналари ишга туширилди.

Денов туманидаги «Парвоз», Узун туманидаги «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятлари қошида, Бойсун туманидаги марказий супермаркет қошида ишлаб чиқариш корхоналари очилиб, янги иш жойлари яратилди.

Матлубот кооперацияси тизимида 3 та боғча, 2 дам олиш маскани ва 1 та 350 ўринга мўлжалланган болалар оромгоҳи мавжуд. Йил давомида бу жойларда болаларни соғломлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Савдо тармоғида хизмат қилаётган ходимларнинг 95 нафар фарзанди оромгоҳда бепул дам олди. Тожикистон Республикасининг «Хатлон» вилоятидан 50 нафар ота-онасиз етим бола ҳам оромгоҳда мириқиб хордиқ чиқарди. Яна бир қувонарли янгилик шуки оромгоҳнинг ўзида иссиқ нон тайёрлаш цехи очдик. Болаларнинг мавсум давомида мазмунли ором олиб, қўнгилли хордиқ чиқаришда «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қумитаси алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Вилоят кооператив техникумининг 2 нафар аълочи талабаси 2 йилдан буён қумита таъсис этган 1,5 баравар миқдордаги стипендияни олмоқда.

Бундан ташқари техникумнинг ота-онасиз қолган, кам таъминланган талабаларга ҳам мунтазам ёрдам бераяпмиз, уларнинг ҳар бирига ўқув йили сўнгигача 500 сўмдан пул ажратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан кам даромадли фуқаролар ва 16 ёшгача булган болалар нафақаларини бериб бориш масаласини кўриб чиқдик. Касаба уюшмалари Марказий қумитаси томонидан «Бирдамлик» жамғармаси ташкил этилиб, улар соф фойдасидан ижтимоий муҳофаза сифатида сарфлаш учун 0,1 фоиз маблағ ажратилди. Жамғарма ҳисобидан кооператив техникумининг соғломлаштириш комплексини қуриш учун 85 минг сўм маблағ ажратилди.

- Келажакдаги режалар қандай?

- Албатта, жорий йилда ишларнинг сарҳисобидан ҳулоса чиқариб, келажакда амалга оширилиши зарур вазифаларни белгилаб олаяпмиз. Келгусида тизимимиздан ажралиб чиққан ҳусусий ташкилотларни ўзимизга жалб этишни ҳал қилмоқчимиз, негаки уларни касаба уюшмага аъзоликка қабул қилмасдан туриб, ижтимоий-иқтисодий ҳимояга олиб бўлмайди.

Бу йил тажриба сифатида тасарруфимиздаги оромгоҳларда қўплаб кўчат экдик. Бу йил бундан етарли даромад олинади. Шунингдек, оромгоҳда от боқишни йўлга қўйиб, болаларни қимиз билан таъминлаш ниятимиз бор. Келгуси йилда касаба уюшмаларининг янги билетларини ўз ҳисобимиздан тарқатмоқчимиз.

- «Ишонч» рўзномаси жамоасига тилакларингиз.

- Рўзнома орқали меҳнаткашлар турмуши яққол ёритилган муаммолар кўндаланг қўйилиб, уларнинг ечимини аниқ қўрсатилган ва бошқа ранг-баранг мавзудаги таҳлилий мақолаларни ўқишни истар эдим. Зеро, касаба уюшмалари қанчалар халқчил ташкилот ҳисобланса, унинг «Ишонч» рузномаси ҳам халқ олқишига сазовор бўлмоғи, улар ишончини оқламоғи лозим. Олдий ўқувчи сифатида бу йилда ижодий жамоангизга куч-қувват тилайман.

- Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Зулфия ҚАТТАЕВА,
«Ишонч» мухбири.

БОҒЧАЛАРДА ЛОТИН АЛИФБОСИ

Мана, тўрт ойдирки, мактабларимизда биринчи синф ўқувчиларига лотин алифбоси ўргатилаяпти. Жумладан, Бувайда туманида нафақат мактаб ўқувчилари учун, балки боғчада тарбияланаётган жажжи фарзандларимиз учун ҳам махсус машғулот дастури тузилиб, уларни янги алиффо билан таништириш ишлари олиб борилаяпти. Шу йул билан тумандаги 32 та қишлоқ болалар боғчаларида 3 минг нафардан ортиқ болалар лотин алифбосини узлаштирмоқдалар.

Шунингдек, иккита боғча гимназияда иқтидорли болаларга инглиз тили ҳамда информатикадан машғулот ўтилаётир.

Ғофур ЭШМОНОВ.

МУСТАҚИЛЛИКДАН УНГАН ЧЕЧАКЛАР

Тошкентдаги 8-темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг раиси Рауфхон Шарипов билан суҳбат.

- Рауфхон Арслонхонович! Ҳурматли Президентимизнинг юқорида зикр этилган сўзлари ҳаммани бирдай ҳаяжонга солади. Инсон моҳият-эътибори билан доим бир-бирларига қайсидир маънода эҳтиёж сезади. Шу эҳтиёж заминида инсоний муносабатлар, яъни улуғ кунларга иштиёқ туйғуси ётади. Халқимиз мустақилликка эҳтиёж сезган эди. Шундай Илоҳий неъматга эришди. Энди эса фаровон ва маъмурчилик кунларига эҳтиёж сезаётир. Сиз, икки йил ичида ўзингиз бошчилик қилаётган корхонани юксак даражасига кўтарибсиз. Бу ютуқлар самарасидан суҳбатни бошласак.

- «Кимки, менга эҳтиёж сезса, уларни ҳеч қачон назаримдан четда қолдирмадим...» Бу чиндан ҳам пайгамбарона айтилган гаплар. Ва мазмун жиҳатидан ҳазрат Амир Темурнинг ўгитларига тўғри келади. Одам ўз-ўзига, жумладан ўзи хизмат бурчини адо этаётган корхона раҳбарига ҳам истаса-истамаса эҳтиёж сезади. Демак раҳбар аввало ўзи бошқараётган корхона хизматчиларини, қолаверса мазкур корхонанинг тараққиётини ўйлаши шарт. Мустақиллик бизга катта эркинлик имкониятларини яратиб бериши билан бирга, халқ ва ватан олдидаги маъсуллик туйғусини кундаланг қўйди. Мустақилликни қўлга киритдик, ўзимизники, энди бутун вужудимиз билан халқимизга, ватанимизга хизмат қилмоғимиз зарур. Сирасини айтганда, мустақиллик фарзандиман. Қандай шарафга эришган бўлсам, ҳаммасига мустақилликдан кейин эришдим. Шу муборак кунларга етолганимдан тангрига шукроналар билдираман.

Корхонага келганимда 170 киши ишларди. Иш асосан бир сменалик эди. Ҳозир 300 киши хизмат қилади ва ишчилар икки сменада ишлашмоқда. Бунга эришиш учун биринчи галда меҳнат интизомига катта эътибор бердик. Мен ўзимдан олдин ишлаган раҳбарларни қоралаш ниятида эмасман. Бари бир ҳақиқатни тан олмасликнинг ҳам иложи йўқ. Илгари интизом бушаштириб юборилган ва ҳеч ким бу ҳақда эҳтиёжлари, манфаатлари, моддий ва маънавий томонлари ҳисобга олинмаган. Ҳаммамизга маълум, Муҳаммад алайҳиссалом ҳеч нарсани ва ҳеч кимни назарларидан қочирмаганлар. Ҳаммамининг эҳтиёжларини шароитига қараб адо этганлар. Бу улуг тушунча бизларга доим ёр бўлиши керак. Шундай қилсак биз Ҳақ олдидаги, ҳурматли Президентимиз олдидаги маъсуллик бурчимизни унутмаймиз. Халқ ва Ватан йўлидаги иймонимизни ҳам асраб қоламиз. Кўп ҳолларда баъзи бир раҳбарлар «ундай ишлаяпмиз, бундай ишлаяпмиз, режаларимизни уринлатаяпмиз» дейишга одатланишган. Аслида эса манзара бошқача бўлиши мумкин. Ютуқлар ва галабалар қуруқ сўз билан эмас, балки фаол ҳаракат, қатъий интизом орқали қўлга киритилади. 1995 йили ҳам режамизни 150 фоиз адо этган эдик. Корхонамиз катта фойда кўрди. Табиийки бу фойдадан ишчилар ҳам манфаатдор бўлди. Ишчилар илгари 2-3 минг сум маош олган бўлишса, бу рақам утган йилиёқ икки баробарга кутарилди. Бу йил эса яна кутарилди. Ишчилар уз вақтида маошларини олиб туришибди. Меҳнат мусобақасига кенг йул очиб бердик. Биринчи уринни эгаллаган ишчиларга 25 минг сум, иккинчи уринни эгаллаганга 10 минг сум, учинчи уринни эгаллаган эса 5 минг сум мукофот пули тегди. Бундан ташқари олинган фойда ҳисобидан арзон нархда ун, пиёз ва картошка ҳам аёл қадри шарафланди FAO берилди. Меҳнатда яхши кўрсатгичларга эришган ишчилардан 6 киши Малайзияга саёҳатга бориб келишди. Байрамларни ҳам тўкин дастурхон тузаб ўтказишга одатланганмиз. Янги қурилаётган уйлардан беш ишчимиз квартира олди. Бу борада жамият касаба уюшмасига бошчилик қилаётган Л.П.Доцконинг хизматини эътироф этишим зарур.

- Тапингизнинг мазмунидан кўриняптики, ҳар қандай ишнинг ривожи биринчи галда раҳбарга, яъни шахсга боғлиқ.

- Болалардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Бола тарбиясига доимий диққат эътибор зарур. Бир нафас диққат-эътиборни қочирсангиз мақсадингизга эришолмайсиз. Унга диққат-эътибор бериш билан бирга, унинг эҳтиёжларини қондириш ҳам керак булади. Агар ишчидан тартиб интизомни талаб этаверсангиз, унинг эҳтиёжлари ҳақида бош қотирмасангиз меъдасига тегишингиз мумкин. Ишчиларимизнинг моддий-маънавий эҳтиёжларига эътибор берилгач ишчи хизматчиларни дам олишлари ва ишлашларига зарур шарт-шароитлар яратилди. Ошхонани қадимий анъаналаримизга кура безадик. Электр двигателларни қайта таъмирлайдиган цех ташкил қилдик. Бу билан 2-3 миллион пулни тежаш имкони тугилди ва кўп одамлар иш билан таъминланди. Нон цехи ишга тушди. Ишчилар ҳар куни ишдан кейин уйларига бирмунча арзон ва иссиқ нон олиб кетадилар. Утган йилга қадар бирон-бир ишчи корхонадан акция олмаган. Чунки бунга эътибор берилмаган. Ҳозир эса 20 тадан то 150 тагача акция олганлар бор. Улар ҳар чоракда орттирилган фойдадан 300 сўмдан фойда олаётирлар. Ҳурматли Президентимиз ҳар гапларида режангни уринлат, фойда ол, марҳамат, эҳтиежингга ярат, деб бекорга жон куйдираётганлари йўқ. Биз, режаларимизни ортиги билан бажариб, мумай фойда олаётирмиз. Бунинг заминида ҳукуматимиз ва Юртбошимизнинг топшириқларини ҳам амалга ошириш тушунчаси ётибди. Бунинг заминида халқимиз ва ватанимизнинг улуг манфаатлари ётибди. Инсоннинг ҳеч қачон ўзи учун, уз оиласи ташвиши учунгина ишламайди. Чунки у, бу дунёда ёлгизмас. Корхонамиз 100 ҳилга яқин турли иншоотларга зарур буюмларни етказиб беради. Жумладан шаҳримиздаги метро қурилишида ҳам ҳиссамиз беқиёс. Бетон қоришмалари, қуруқ қоришмалар, пойдевор учун блоклар, бетон устунлар, ҳар ҳил ариқчалар коллекторлар тайёрлаяпмиз. Биз ҳар ойда Оҳангарон ва Навоийдан 5 минг тонна цемент, Бекободдан эса 500-600 тонна металл оламиз. Илгари бу қурсаттич, юқоридаги рақамнинг ярмини ташкил этган, холос. Ҳозир ҳеч кимга ишла демаймиз. Ҳамма уз вақтида, уз жойида ҳозиру нозир. Чунки у, уз ишидан, оладиган фойдасидан манфаатдор. Мана шу ютуқларимизга эришишимизда ҳукуматимизнинг раҳнамолигини ҳар лаҳза сезиб турибмиз.Уларнинг кумагисиз, яратиб берган имкониятларисиз, биз ҳеч қачон бундай ютуққа эриша олмасдик.

Суҳбатдош
Ниёз ЭРНАЗАР

Касаба уюшмаларида

КАСАБА ФАОЛЛАРИГА ЁРДАМ

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи «Бухгалтер кутубхонаси» туркумидаги китобларнинг дастлабки уч жилдини босмадан чиқарди. «Узбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги» икки жилдли китоби ҳам чоп этилди. Касаба фаоллари учун «Меҳнат шартномаси», «Меҳнат кодекси» китоблари ҳам гоят фойдалидир.

Бу китобларни Тошкент шаҳар, Мустақиллик кўчасидаги 2-уйнинг 512-хонасида жойлашган Нашриет уйидан олиш мумкин. 33-45-43 рақамли телефон орқали қизиқувчиларга қўшимча маълумотлар ҳам берилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот ва ахборот шўъбаси.

ЯНГИЛИКЛАР ИЖОДКОРИ

Бу йил етмиш баҳорни қаршилаган Матвей Якубович Гадаев ўттиз тўрт йилдирки, Самарқанд вилояти рационализаторлар ва ихтирочилар жамиятига раҳбарлик қилиб келмоқда. У меҳнат фаолиятини 1942 йилда Самарқандлаги «Красний двигатель» заводида бошлаган, урушнинг суронли жангтоҳларини босиб ўтган. 1955-1960 йилларда завод касаба қумитаси раиси бўлиб ишлаган. Шундан сунг аввал завод ихтирочиларининг саркори, сўнгра вилоят ихтирочилари жамияти раиси бўлди. Ўтган йиллар мобайнида жамият аъзоларининг юздаб, минглаб янгиликлар, ихтиролари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга муҳим ҳисса қўшди.

Касаба уюшмалари Самарқанд вилоят Кенгаши М. Гадаевнинг етмиш ёшини тантанали нишонлади. Тантанага вилоят раҳбарлари, корхоналарнинг етакчилари, ихтирочилар, олимлар ташриф буюришди. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси М. Боқиева М. Гадаевни табриклаб, касаба уюшмаларининг совғасини топширди.

САЁҲАТ

Халқ таълими касаба уюшма вилоят қумитаси ва вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари кузги таътил кунларида Ватанимиз пойтахти Тошкентга саёҳат қилишди.

Болалар пойтахтда Темурийлар тарихи давлат музейи, болалар ҳисобида ва бошқа диққатга сазовар жойларда бўлишди. Шунингдек, болалар шоирлари ва ёзувчилари билан бўлган учрашувларда қатнашдилар.

Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

АЁЛ ҚАДРИ ШАРАФЛАНДИ

Қибрай тумани Дурмон қишлоқ маданият саройи Конституциямиз қабул қилинган куни янгича ишлаш ва ижод қилиш шаклу шамойилини олаётган хотин-қизлар ташкилотларининг ўтган давридаги ишлари қуриги бўлди, дейиш мумкин. Туман хотин-қизлари юртбошимиз олиб бораётган халқчил сиесатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаяптилар. Унинг хотин-қизларининг давлат ва ижтимоий қурилишдаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш борасидаги ғамхўрликларидан чексиз миннатдор бўлмоқдалар.

«Конституцияда муҳрланган бахт» деб номланган кўрик-танловда қатнашган туманнинг 12 та қишлоғи хотин-қизлар кенгашлари ана шу жиҳатларни намойиш қилдилар. Унда сўзга чиққан Қибрай тумани ҳокими Мирзамапраб Қучқиев туман ижтимоий-сиесий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлади. Тошкент вилояти ҳокими муовини, хотин-қизлар қўм

ЮРТИМНИНГ ЎЗ ҚЎШИҒИ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1- бетда)

— Берта опа, Сиз юқорида устоз Юнус Ражабийни эсладингиз. Ижодингизда бу буюк санъаткор қандай ўрин тутганлиги ҳақида бир оғиз гапириб берсангиз.

— Бу улуғ устоз, буюк санъаткор ҳақида бир оғиз гап айтиб бўлармикин...

Мен Ўзбек ансамблига кириб келганимда, у ерда Юнус Ражабий, Шоназар Соҳибов, Толмас Муллақандов каби забардаст санъаткорларга дуч келдим. Булар мумтоз мусиқанинг билимдонлари, зукко муаллимлар эди, ўзбек мақомчилигининг сирларини яхши билибгина қолмай, биз шогирдларга ҳам астойдил ўргатишарди.

Улар енгил-елпи қўшиқ айтганларни ёқтирмас, санъатни севиб, ардоқлаб, ҳурмат қилардилар. Барчага аён, устоз Юнус Ражабий келажак авлодга халқимиз асрлар мобайнида йиғиб, тўплаб яратган куй-қўшиқларни жамлашга бутун умрларини фидо қилдилар. Мақомчиликда шундай мактаб яратдиларки, жаҳон шу бугунгача тан бериб қойил қолмоқда. Уша Ўзбек ансамбли деб аталувчи жамоа бугунда Мақомчилар гуруҳи номи билан машҳур. Ҳофизларимиз хоҳ ўзимизда, хоҳ хорижда концертлар беришсин, эллар, халқларнинг қалбини айнан мақом шуҳбалари билан мафтун этаётганликлари сир эмас.

Юнус Ражабий қўшиқ ўргатишда ўз услубларидан фойдаланардилар. Магнитофон тасмаси ёки пластинкалардан фойдаланишни ёқтирмасдилар. Бизларга қўшиқларни ўзлари хиргойи қилиб ўргатардилар, чунки ҳар бир куй, ҳар бир ашуланинг шундай қочиримлари буладики, уларни бир эшитишда англаб олиш анча қийин. Лекин айнан шу қочирмалар қўшиққа жозиба ато қилади.

Масалан, опера билан мақомнинг фарқини икки оғиз сўз орқали ифодалаш мумкин. Опера қўшиқчиси оғзини катта очиб куйласа, мақом ижрочиси димоғдан фойдаланади. Операнинг ўз анъаналари бор, мақомнинг қонунлари батамом бўлакча, ҳатто халқ қўшиқларидан ҳам анча фарқ қилади. Мана шуларни Юнус Ражабий бизга эринмай ўргатардилар. Мақомнинг ижроси пайтида нафас олишда ҳам фақат шу жанрга хос қонунларга риоя қилиш лозим. Бу қоидаларни чуқур ўрганиб билмаган хонанда ҳеч қачон профессионал қўшиқчи даражасига чиқолмайди. Мақом ашулаларини ижро этиш учун ўзини тайёрлаётган ҳар битта хонанда Юнус Ражабийнинг мактабини ўташи лозим деб биламан. Бу мактаб қонун-қоидаларига риоя қилмаган ҳофизлар мақомчиликка путур етказмаслик учун мумтоз қўшиқчиликка қул урмаганлари маъқул.

Бир мисол, Изро Малахов деган бизда бир пайтлар яшаб ҳофизлик қилган санъаткор Америкага кўчиб кетиб, уша ерда мақом айтувчиларни тўплаб ашула ўргатибди ва уша ерда чақирилган мақом симпозиумида қатнашибди. Бутун жаҳондан анжуманга йиғилган мақомшунослар «бу ашулачилар мақом мактаби талабларидан бехабар эканлар, Берта Давидова барча қоидаларига риоя қилади» деб айтишибди. Бу гапни эшитиб ҳам хурсанд бўлдим, ҳам уксиндим. Ҳурсанд бўлганлигим, мен устозимнинг ўгитларини, меҳнатларини зое кетказмай, жаҳонга тарқата билибман. Уксиганим, устозимдан олган билимларни ўз Ватанимда, ўз юртимда ўз санъаткорларимга етказа олмаяпман. Ҳақиқатни айтиш лозим, чунки бу ҳақиқат билан санъатимизнинг эртанги куни боғлиқ.

Тошкент консерваториясида мақомдан фақат 2 йилгина дарс бердим. Ҳозирги Маннон Уйғур номли санъат олийгоҳида ҳам мақом бўйича талабаларга билим улашдим. Уша дамда хурсандлигим, бахтиёрлигимни ичимга сиғдиролмай юрдим. Аммо йўлимни тусишди... Қанийди, ҳозир ҳам мен 45 йил мобайнида тўплаган билимларимдан ёшларни огоҳ қилолсам. Мени қуйинганим — Юнус Ражабий игна билан қудуқ қазигандек оламшумул бир мерос яратиб кетган бўлса-ю, кўп ҳолларда мақомнинг сир-асроридан бехабар кишилар унга билиб-билмай қўл урмоқдалар. Мақомчилик мактабининг тақдири баъзан мактаб кўрмаган «билагонлар» қўлига тушиб қолаяпти. Лекин Ориф Алимахсумов, Коммуна Исмоилова, Ҳадя Юсупова каби қатор санъаткорлар борки, улар санъат бусағаларида турган ёшларга таълим беришга жалб қилинсалар, парвозга шайланган қанчадан-қанча шогирдларни етказиб, мақомчилик анъаналарини сақлаб қолишлари мумкин ахир!

Мақом ижро этадиган хонанданинг овози жуда кенг диапазонга эга бўлиши, аммо, энг асосийси, овоз «йиғлоқи» бўлиши керак. Қўшиқчи бир сатрни куйлайдими овоз нафас билан бўлиниши мумкин эмас. Ҳозирги кўплаб хонандаларимиз бунга амал қилишмайди, бир сатрни ижро этгунгача ҳатто уч марталаб нафас олишади. Бошқа турдаги қўшиқларда бундай қилиш мумкиндир, мақом бу каби хатони кўтаролмайди.

Яна бир нарсага тўхталмоқчиман. Бу жиддий масала. Мақомчиликнинг ўз удумлари бор, қонунлари бор дедим. Буларнинг биттаси — ижрочининг ташқи кўриниши анъанавий бўлмоғи лозим. Буни бузиш мумкин эмас. Шарқ аёли ҳеч қачон гажжагини пешонага туширмаган. Гажжак чаккасида бўлади. Мақомчи аёл хонанданинг бошида фақат дурра қилиб ўралган рўмол бўлади. Унинг қадди-қомати, ҳусни-латофати, ўзини тутиши, жилваси, қўлларини ишлатиши — булар барчаси қўшиқ айтилаётган пайтда ўзбек аёлининг мумтоз услубини сақлаб туриши керак. Ўшандагина қўшиқ маромига етади, қалбларни ром қилади. Бу анъанавий талабни бузиш мумкин эмас. Бу билан айтмоқчиманки, Юнус Ражабийдек буюк санъаткор, элнинг фидойи фарзанди бахти буюк юртда туғилади. Унинг яратган ҳар бир сатри, ҳар бир ўгити, олтинга тенг мерос. Бизларнинг бурчимиз шу меросни авайлаб асраш, ёшларга ўргатишдир. Бунинг учун барчамизнинг юрагимиз ёниши керак.

— Берта опа, қўшиққа эҳтиёж Сизда қачон пайдо бўлган?

— Ёшлигимда. Дадам Довудбой санъатга ниҳоятда ўч одам эдилар. Шунинг учун уйимизда санъаткорлар кўп йиғиларди. Биласиз, Марғилон ҳофизларга санъаткорларга бой юрт. Мен Маъмуржон Узоқов, Журахон Султонов, Акбар-қори акаларнинг хонишларини тинглаб мафтун бўлардим. Уларнинг қўшиқларини ўзимча хиргойи қилиб юрардим. Шуларга ўхшагим келарди. Ҳалима Носированинг овози мени маҳлиё қиларди, эшитиб тўймасдим. Куйлашни жондан яхши кўрган эканман, ҳаёт йўлимни шу жабҳага бурди. Бу йўлда бор кучимни халқимга беришга ҳаракат қилдим. Тўймай-тўй юрмадим, пулу бойликка қизиқмадим, қинғир йўлга кирмай, биттагина уғлимни—элгизимни тарбиялаб, вояга етказдим, олим қилдим, набиралар бокдим...

— 50-йилларда ҳали телевизор кўпам удум бўлмаганида артистларимиз ўзлари халқ олдига кўп бора чиқишганлар деб эшитардим...

— Ҳа, бу тўғри гап. Вилоятларда, айниқса, концертларга эҳтиёж, талаб катта бўларди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб республика бўйлаб концертлар бериб қайтардик. Масалан, эсимда — Уш шаҳрида концерт қўйдик. Бизга Жалолободда ҳам сизларни халқ кутяпти деб қолишди. Уртада вақт оз, чунки Ушда кечқурун яна концертимиз бор. Шунга қарамай Жалолободга жўнадик ва вақтида Ушга қайтишга улгуриб концерт бердик. Ҳаётимиз шундай фаол эди. Чарчаш нималигини билмас эдик. Давлатга даромад келтиряпмиз, халқни хурсанд қиляпмиз деган ўй билан бахтиёр эдик. Чироқ йўқ, тумонат одамлар теварак атрофда машъалалар ёқиб га ташаккур айтиб: «Мен Марғилонда туғилганман. Сизларга манзур «Муножот»ни Юнус Ражабийдек, Имомжон Икромовдек ўзбек фарзандларидан ўрганганман. Ўзбекистон радиоси мени кашф этган. Сиз ваъда қилаётган уйнону уй, машиналарга ўчиб, бу нарсалардан воз кечолмайман. Уйим ҳам бор, машинам ҳам бор», деб жавоб қилдим. Шароф ака ҳандон солиб қулиб юбордилар-да тожик дўстларига завқ билан савол қотдилар:

— Бунисига нима дейсиз?

Қизиғи шунда эди-ки, уша пайтда на алоҳида уйим, на машинам, на бойлигим бор эди. Лекин пулу зар билан ўлчаб бўлмайдиган устириб вояга етказган, менга тахту бахт берган ўзбек халқим, унинг меҳри, улкан муҳаббати бор эди. Бу бойликни мен ҳеч нарсага алмаштирмас эдим, ҳозир ҳам алмаштирмайман...

— Берта опа, қандай истаклакларингиз бор?

— Илгари устозлар ўзлари юриб, қидириб «овоз»лар топиб, шогирдликка олардилар. Бугун катта мактабга эга бўлган устозлар шогирдларга муҳтож. Наҳот одамлар шу мактаблардан фойдаланишни истамаса деб фарёд қилгим келади. Ориф ҳожи Алимахсумовнинг ўзи битта катта хазина. У «Шошмақом»ни тўла биладиган чуқур билимли санъаткор. Нега ёшлар булардан фойдаланишни истамайдилар?! Менинг ўзимнинг кучим ҳам, билимим ҳам кўплаб «шогирдлар» тарбиялашга етади-ку. Ахир бизлардан фойдаланинглар, эй ёшлар! деб ҳайқиргим келади.

Бугунги кунда ижрочилар кўпайиб кетди. Албатта, бу яхши жараён. Аммо халқ дидини бузадиган жўн матнли, тақир туқур куйли қўшиқлар радио тўлқинларини ҳам, ойнаи жаҳон экранини ҳам забт этмоқда, босиб олмоқда. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Илгари бадиий кенгашлар тузилиб, аъзолигига юқори савияли, ўткир дидли одамлар таклиф қилинарди. Шунинг учун санъатимиз ниҳоятда юқори даражада бўларди, халқни тарбияларди. Маънавият, маданиятга давлат томонидан эътибор кучайган бир пайтда раҳбарлар бор кучини авлодларни тўғри тарбиялаб вояга етказишдек масалага жиддийроқ қарашларини истардим.

Яна бир истагим — ёши ўтиб қолган ёки бу дунёдан кўз юмиб кетган, ўзбек маънавияти, маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб, жаҳонга танитган, ўз эли, ўз халқи учун ибрат бўлган инсонларни тез-тез ёдга олайлик. Улар ҳақида эшиттиришлар, кўрсатувлар уюштирайлик. Ахир бундай тадбирлар ёшларни тарбиялайди, ўзларида миллатига, қадриятига бўлган фахр ва гурурни уйғотади, ривожлантиради. Чинакам санъат билан енгил-елпи, уткинчи санъатнинг ўртасидаги фарқни англашга ургатади-ку. Шу маънода тажрибали мақомчиларни телерадиокомпания қошида тўплаб, уларнинг маҳорат мактабини ёшларга сингдириш йўлларини ўйлаш керак...

Жаҳонга донги таралаётган юртимнинг оламда ўз овози, ўз қўшиғи бўлсин. Шу — менинг орзуим...

Суҳбатдош: М. МУҲАМЕДОВА.

Обуна — 1997

СИРТҚИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Наманган вилоятида 1997 йил газета-журналларга обуна қизғин бормоқда. Жумладан, Норин тумани хўжаликлари, ташкилот ва муассасаларида «Ишонч»га кўплаб обуна бўлишмоқда. Бошланғич касаба уюшма қўмиталари бу борада, айниқса ташаббус кўрсатаётир. Бизга Ҳаққулобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари катта қизиқиш билан «Ишонч»га обуна бўлишаётганини айтишди.

— Мен анча йиллардан бери газетангизни зўр иштиёқ билан ўқиб келаман, — дейди ташкилот бошлиғи Отахон Асқаров, — Сабаби шундаки, унинг саҳифаларида бизнинг бош вазифамиз ҳисобланган ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта эътибор берилади. Хусусан, «Биздан сўрабсиз» рукни остида эълон қилинаётган савол-жавоблар фаолиятимиз йўналишида кўп асқотаяпти. Шунинг учун ҳозиргача 14 киши газетага ёзилди. Одинахон Тўйчиева, Раънохон Рахмонова, Гулбаҳор Солиева, Зарифахон Фармонова бу борада бошқаларга намуна кўрсатдилар.

«Ишонч» мухбири.

Маънавият

«ОНА ТИЛИМ, ЖОНУ ДИЛИМ»

Тил - миллатнинг бебаҳо мулки. Баайни, миллат равнақини белгилайдиган асосий омиллардан бири тил ҳисобланади. Шу билан бирга тилимиз маънавият кўзгуси ҳамдир. Бугун ана шу кўзгуга тик боқадиган фурсат етди. Республикамизда тилни бойитиш, ривожлантириш учун барча зарурий ишлар қилиниб тадбирлар утказилмоқда. Яқинда шаҳримиздаги С.Айний номли 84 ўрта мактабда «Она тилим, жону дилим» деб номланган кеча бўлиб ўтди. Уни ёш, истеъдодли ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Алимардон Саидов ўқувчилар билан биргаликда ташкил қилди. Бу борада унга ҳамкасблари Ш.Саидова, К. Ҳусанова ва Б.Абдураимовалар яқиндан ёрдам беришди. Ўқувчилар она тилига меҳрини шеър, қўшиқ ва кичик саҳна асарларида ифода этдилар. Қизиқарли ўтган кеча йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

О.РАЖАБОВ.

ХАНДАЛАР

— Рафиқам ҳомиладорлик пайтларида «Эгизак Лотхенлар»ни ўқигани-ўқиган эди, мана бир қиз, бир ўғил туғиб берди, — деди Карл ўртоғига.

— Вой худойим-эй, мен тез уйга боришим керак экан!...

— Нега энди?

— Хотиним «Али бобо ва қирқ қароқчи»ни ўқиётган эди-да!..

***

— Ойижон, хўрознинг ҳам сочлари борми?

— Йўқ, қизим, унинг патлари бўлади.

— Унда нега у тароқ кўтариб юради.

***

Полициячи ҳайдовчидан сўради;

— Янглишмасам, бундан бир ҳафта бурун Сиздан ҳайдовчилик гувоҳномангизни олиб қўйган эдим, шундайми?

Ҳайдовчи:

— Ишқилиб, йўқотиб қўймадингизми, жаноб?

***

Гюнтер мактабдан кела солиб, бурчакка туриб олди.

— Бу нима қилганинг? — сўради ойиси ундан.

— Буни мен мактабдан ўрганиб келдим, жавоб қилди ўғил.

Немис тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

ОИЛА ДАВРАСИДА

Одамийлик сабоқлари

ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ—БУРЧИМИЗ

Пайғамбаримиз оммага одоб ҳулқ ҳақида бир қанча ҳадисларни айтиб кетган эканлар. Ана шуларни сизларга таърифлаб беришга ҳаракат қиламан. Абу Ҳурайра Розиаллоҳу Анҳудан ривоят қилинади. Бу ҳадиси муборакни пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. айтган эканларки: Мусулмоннинг мусулмонда бешта ҳақи бор. Биринчи ҳақи Мусулмон сизга «Ассалому алайкум» деб салом берганда саломига «Ваалайкум ассалом» деб жавоб бермоқлик лозим. Иккинчиси - мусулмон биродарингиз бетоб бўлиб касал булиб қолганда бориб, уни зиёрат қилиб, касалини қўришингиз жоиз. Учинчи: агар дунёдан ўтса жанозасига қатнашиш. Тўртинчидан чақирса, вақтингиз булса албатта чақиригига жавобан боришингиз лозим. Камбағалку у мени тенгим эмас демасдан ёки эриниб ўтирмай таклифини «лаббай» деб ижобат қилишинг. Бешинчиси: ёнингиздаги одам акса урса, акса урганда «Алҳамдулиллоҳ ҳудога шукр» деса - Сиз унга Аллоҳ сизга раҳм қилсин,- дейишингиз шарт. Соғ бўлинг деймизу шунинг ўрнига Аллоҳ сенга раҳм қилсин,- десангиз ҳадисга, суннатга мувофиқ бўлади. Иккинчи ҳадис Ибн Умар Разияллоҳу Анҳудан ривоят қилинади. У киши айтади: пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. айтган эканлар: «Одамларга аралашиб юрган мусулмон одамлар ичига аралашиб ҳамма ишларга кириб, қўриб ва улардан баъзиларидан ҳафа бўлиб, дилига озор етса ҳам Амри маъруфни қилиб тушунтириб юрган одам яхшироқ ва афзалроқдир».

Мана мен айтадиган бўлсам, қанақа уйларга, қанақа жойларга бормаймиз. Уша жойларда қўлимиздан келганича Аллоҳни танинг, намоз ўқинг, худони билинг, ёмон ишдан қайтинг деб келамиз. Чойхонага олиб борадими, бозорга олиб борадими, корхонага олиб борадими ёки намоз ўқимайдиган хонадонга олиб борадими, барибир халқ ичига кириб даъват қилиб чиқамиз. Энди баъзилар бор «бенамозникига бормайман, унақа жойга бормайман, йўқ-йўқ, унақа жойга аралаша олмайман» дейди. Узини олиб қочиб юради. Одамларни ичига кирмайди. Қочиб, ўзини гўё тақводор қилиб кўрсатиб юради. Ўндан кўра шу одамларни орасига кириб, даъват қилиб, яхши гаплар гапириб, одамлар дардини тинглаб ёки улардан сўкиш эшитса ҳам буюрилган ишларни бажарган одамлар афзал»,- дейди Муҳаммад Мустафо С.А.В.

Имомчилик осон деб ўйлайсизми? Кетимиздан гапирадиганлар кам деб ўйлайсизми?! Уша гаплар қулоғимизга етиб келади. Отиб юборамиз елкамизни нариёгига уша гапларни. Муҳаммад С.А.В. дек зотни гапиришадику. Аллоҳнинг ғийбатини қилишадику. Биз инсонлар ким бўлибмиз! Чидаган шу йўлдан юради. Чидаган амри маъруф қилади. Ҳамма жойда «хуш-хуш» деб «эҳҳе» деб қулоқ солиб турмайдилар. Уқрайиб туришади. Бир жойда масхара қилиб кулиб туришади. Лекин кулганни йиғлатинг, дуқ қилганни чеҳрасини очтиринг. Етказинг, тушунтиринг. Одам ўзини олиб қочиб юрса у билан нима ишим бор деса, у бечораларга қим етказади?! Ким залолатдан ҳидоятнинг фарқини айтиб беради? Аралашиш керак, ўзини олиб қочиш керак эмас. Бир хил домлалар бор эшитиб турибмиз. Мачитга ёрдам берса, камбағалга ёрдам берса-ю, лекин намоз ўқимаса уларнинг ибодатини Аллоҳ Таоло қабул қилмайди, деб айтаётганлар бор. Ким билади Аллоҳнинг қабул қилишини ёки қабул қилмаслигини. Кимнинг ҳаққи бор- Аллоҳ қабул қилиш ёки қабул қилмаслиги ҳақида фатво беришга. Узларингиз айтинг - бу мумкин эмас. Мана бу оятни тингланг. «Ким миқол яхшилик қилса, уша миқол яхшилигини кўради. Ким миқол ёмонлик қилса уша миқол ёмонлигини кўради», деб айтган Аллоҳ Таоло. Бу ерда бошқа шарҳни қўшишнинг ҳожати йўқ. Ибодат қилмаганлиги учун уни жавоб беради. Лекин бир етимга ёки бир ҳайвонга, бир инсонга, мачитга ёрдам берди, яхшилик қилди. Ушанинг яхшилигига Аллоҳ бир куни ҳидоят қилиб намоз ўқийдиган қилиб юборади, ўзини танитади. Бу гап унинг иззат нафсига тегиб, ёрдам бермай қўяқол деган гап эмасми?!

Мачитларга етим-есир камбағал гарибларга ёрдам бераётганларнинг 60 фоизи намоз ўқимайди. Ноумид қилиб, қайтариб юбориш эмасми бу. Яна Аллоҳ Таоло номидан қабул этмайди дейсиз-а қаердан биласиз, сизникини қабул қиладими ёки меникини. Уни Аллоҳ билади, биродар. Бундай катта гапириб юборишимиз керак эмасда. Энди қизиқиб келаётган одамларда иймон бўлмаса бир тийин ҳам бермайди. Яхшилик томонга умуман бир қадам қўймайди. Оз бўлса ҳам иймони бор борки қизиқади.. Шунинг учун одамларнинг орасига кириб, одамлар билан аралашиб, одамларни феълини-ҳулқини тушуниб юрган одам яхшироқ.

Шундай одамлар борки, ўзи бировга ёрдам бермайди. Ёрдам берганни ҳам ёмон кўради. Ўзи ёрдам бермайдику, лекин ёрдам берган одамни ҳам қайтаришга ҳаракат қиладиган, бахтиёрлигимни ичимга сиғдиролмай юрдим. Аммо йўлимни тусишди... Қанийди, ҳозир ҳам мен 45 йил мобайнида тўплаган билимларимдан ёшларни огоҳ қилолсам. Мени қуйинганим — Юнус Ражабий игна билан қудуқ қазигандек оламшумул бир мерос яратиб кетган бўлса-ю, кўп ҳолларда мақомнинг сир-асроридан бехабар кишилар унга билиб-билмай қўл урмоқдалар. Мақомчилик мактабининг тақдири баъзан мактаб кўрмаган «билагонлар» қўлига тушиб қолаяпти. Лекин Ориф Алимахсумов, Коммуна Исмоилова, Ҳадя Юсупова каби қатор санъаткорлар борки, улар санъат бусағаларида турган ёшларга таълим беришга жалб қилинсалар, парвозга шайланган қанчадан-қанча шогирдларни етказиб, мақомчилик анъаналарини сақлаб қолишлари мумкин ахир!

Мақом ижро этадиган хонанданинг овози жуда кенг диапазонга эга бўлиши, аммо, энг асосийси, овоз «йиғлоқи» бўлиши керак. Қўшиқчи бир сатрни куйлайдими овоз нафас билан бўлиниши мумкин эмас. Ҳозирги кўплаб хонандаларимиз бунга амал қилишмайди, бир сатрни ижро этгунгача ҳатто уч марталаб нафас олишади. Бошқа турдаги қўшиқларда бундай қилиш мумкиндир, мақом бу каби хатони кўтаролмайди.

Яна бир нарсага тўхталмоқчиман. Бу жиддий масала. Мақомчиликнинг ўз удумлари бор, қонунлари бор дедим. Буларнинг биттаси — ижрочининг ташқи кўриниши анъанавий бўлмоғи лозим. Буни бузиш мумкин эмас. Шарқ аёли ҳеч қачон гажжагини пешонага туширмаган. Гажжак чаккасида бўлади. Мақомчи аёл хонанданинг бошида фақат дурра қилиб ўралган рўмол бўлади. Унинг қадди-қомати, ҳусни-латофати, ўзини тутиши, жилваси, қўлларини ишлатиши — булар барчаси қўшиқ айтилаётган пайтда ўзбек аёлининг мумтоз услубини сақлаб туриши керак. Ўшандагина қўшиқ маромига етади, қалбларни ром қилади. Бу анъанавий талабни бузиш мумкин эмас. Бу билан айтмоқчиманки, Юнус Ражабийдек буюк санъаткор, элнинг фидойи фарзанди бахти буюк юртда туғилади. Унинг яратган ҳар бир сатри, ҳар бир ўгити, олтинга тенг мерос. Бизларнинг бурчимиз шу меросни авайлаб асраш, ёшларга ўргатишдир. Бунинг учун барчамизнинг юрагимиз ёниши керак.

— Берта опа, қўшиққа эҳтиёж Сизда қачон пайдо бўлган?

— Ёшлигимда. Дадам Довудбой санъатга ниҳоятда ўч одам эдилар. Шунинг учун уйимизда санъаткорлар кўп йиғиларди. Биласиз, Марғилон ҳофизларга санъаткорларга бой юрт. Мен Маъмуржон Узоқов, Журахон Султонов, Акбар-қори акаларнинг хонишларини тинглаб мафтун бўлардим. Уларнинг қўшиқларини ўзимча хиргойи қилиб юрардим. Шуларга ўхшагим келарди. Ҳалима Носированинг овози мени маҳлиё қиларди, эшитиб тўймасдим. Куйлашни жондан яхши кўрган эканман, ҳаёт йўлимни шу жабҳага бурди. Бу йўлда бор кучимни халқимга беришга ҳаракат қилдим. Тўймай-тўй юрмадим, пулу бойликка қизиқмадим, қинғир йўлга кирмай, биттагина уғлимни—элгизимни тарбиялаб, вояга етказдим, олим қилдим, набиралар бокдим...

— 50-йилларда ҳали телевизор кўпам удум бўлмаганида артистларимиз ўзлари халқ олдига кўп бора чиқишганлар деб эшитардим...

— Ҳа, бу тўғри гап. Вилоятларда, айниқса, концертларга эҳтиёж, талаб катта бўларди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб республика бўйлаб концертлар бериб қайтардик. Масалан, эсимда — Уш шаҳрида концерт қўйдик. Бизга Жалолободда ҳам сизларни халқ кутяпти деб қолишди. Уртада вақт оз, чунки Ушда кечқурун яна концертимиз бор. Шунга қарамай Жалолободга жўнадик ва вақтида Ушга қайтишга улгуриб концерт бердик. Ҳаётимиз шундай фаол эди. Чарчаш нималигини билмас эдик. Давлатга даромад келтиряпмиз, халқни хурсанд қиляпмиз деган ўй билан бахтиёр эдик. Чироқ йўқ, тумонат одамлар теварак атрофда машъалалар ёқиб га ташаккур айтиб: «Мен Марғилонда туғилганман. Сизларга манзур «Муножот»ни Юнус Ражабийдек, Имомжон Икромовдек ўзбек фарзандларидан ўрганганман. Ўзбекистон радиоси мени кашф этган. Сиз ваъда қилаётган уйнону уй, машиналарга ўчиб, бу нарсалардан воз кечолмайман. Уйим ҳам бор, машинам ҳам бор», деб жавоб қилдим. Шароф ака ҳандон солиб қулиб юбордилар-да тожик дўстларига завқ билан савол қотдилар:

— Бунисига нима дейсиз?

Қизиғи шунда эди-ки, уша пайтда на алоҳида уйим, на машинам, на бойлигим бор эди. Лекин пулу зар билан ўлчаб бўлмайдиган устириб вояга етказган, менга тахту бахт берган ўзбек халқим, унинг меҳри, улкан муҳаббати бор эди. Бу бойликни мен ҳеч нарсага алмаштирмас эдим, ҳозир ҳам алмаштирмайман...

— Берта опа, қандай истаклакларингиз бор?

— Илгари устозлар ўзлари юриб, қидириб «овоз»лар топиб, шогирдликка олардилар. Бугун катта мактабга эга бўлган устозлар шогирдларга муҳтож. Наҳот одамлар шу мактаблардан фойдаланишни истамаса деб фарёд қилгим келади. Ориф ҳожи Алимахсумовнинг ўзи битта катта хазина. У «Шошмақом»ни тўла биладиган чуқур билимли санъаткор. Нега ёшлар булардан фойдаланишни истамайдилар?! Менинг ўзимнинг кучим ҳам, билимим ҳам кўплаб «шогирдлар» тарбиялашга етади-ку. Ахир бизлардан фойдаланинглар, эй ёшлар! деб ҳайқиргим келади.

Бугунги кунда ижрочилар кўпайиб кетди. Албатта, бу яхши жараён. Аммо халқ дидини бузадиган жўн матнли, тақир туқур куйли қўшиқлар радио тўлқинларини ҳам, ойнаи жаҳон экранини ҳам забт этмоқда, босиб олмоқда. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Илгари бадиий кенгашлар тузилиб, аъзолигига юқори савияли, ўткир дидли одамлар таклиф қилинарди. Шунинг учун санъатимиз ниҳоятда юқори даражада бўларди, халқни тарбияларди. Маънавият, маданиятга давлат томонидан эътибор кучайган бир пайтда раҳбарлар бор кучини авлодларни тўғри тарбиялаб вояга етказишдек масалага жиддийроқ қарашларини истардим.

Яна бир истагим — ёши ўтиб қолган ёки бу дунёдан кўз юмиб кетган, ўзбек маънавияти, маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб, жаҳонга танитган, ўз эли, ўз халқи учун ибрат бўлган инсонларни тез-тез ёдга олайлик. Улар ҳақида эшиттиришлар, кўрсатувлар уюштирайлик. Ахир бундай тадбирлар ёшларни тарбиялайди, ўзларида миллатига, қадриятига бўлган фахр ва гурурни уйғотади, ривожлантиради. Чинакам санъат билан енгил-елпи, уткинчи санъатнинг ўртасидаги фарқни англашга ургатади-ку. Шу маънода тажрибали мақомчиларни телерадиокомпания қошида тўплаб, уларнинг маҳорат мактабини ёшларга сингдириш йўлларини ўйлаш керак...

Жаҳонга донги таралаётган юртимнинг оламда ўз овози, ўз қўшиғи бўлсин. Шу — менинг орзуим...

Суҳбатдош: М. МУҲАМЕДОВА.

ҚУРОҚ КАШТАЧИЛИГИ

Бинолар ичини безашда халқимиз катта сузана, палак, гулқурпа, чойшаб, кирпич, зардеворлардан кенг фойдаланади. Келин буладиган қизларимиз бир неча йил уй безакларини тикиш билан машғул бўлади. У келинчакларимиз учун яна булардан ташқари буюмлар ойнахалта, чойхалта, бугжома, дуппи, белбог, жияк, жойномоз, қуйингчи кўрпанинг чимилдиқ ичида юзини яшириб турадиган румолчасидан тортиб, унинг жураларига тортиқ қилинадиган румолчаларигача булгуси келин ипак билан гулларни тикқан.

Қуроқ каштачилиги жуда мураккаб. У газмол қолдиқларидан геометрик шаклда ҳар хил гуллар нақшлар жамланмасидан ташкил топади. Қисқаси «Борни боралаб, йўқни қоралаб» яратиладиган санъат асаридир. Унинг ўзига хос нозик томонлари ва нусҳалари бор. Қавочоқ қуроқ, олма қуроқ, Маки қуроқ, турна қатор, чумич қуроқ, келин-қайнона, қалдиргоч қанот, Юлдуз қуроқ, Хоним қуроқ сингари нусхалари мавжуд. Қуроқ каштачилигига оид ривоятлар талайгина. Бир афсонага қараганда тутқунликдаги аёлларимиз душман қўшинлари учун кийим-кечак тикишган. Тикишда қирқилган майда қийиқларни тагига тушаб етиш учун зорланиб сўрашган. Душман ҳам арзимаган ташландиқ нарса-ку, деб бераверган. Ўзбек аёлининг матонатини қарангки, дам олиш вақтлари берилса улар ҳам ҳеч қучага чиқишмас эмиш. Бундан душман жуда таажжубланган. Тутқунлар турган эшигини очиб ҳангу-манг бўлиб қолади. Ташлаб юборидган газмол қийқимларидан тайёрланган қуроқ улар ақлини шошириб қўяди. Бу ҳақда улар шоҳларига хабар берилилар. Шоҳ буюради: «Олтин қўлли аёлларни қўйиб юборинг, болалари олдига боришсин. Бу аёллар гузаллик шайдолари ва яратувчисидир». Шундан бери ота-боболаримиз «Қуроқ» каштани бахт ва узоқ умр белгиси деб ардоқлаб келади.

Каштали кийимлар оила бахт рамзи ҳисобланади. Самарқанд ва Бухоро келинчаклари каштали ва зардузи келин сарполари билан бошқа вилоятлар келинларидан ажралиб туришади. Айниқса, XIX асрнинг бошларида кенг оммавий тарқалган келин уйининг безаш гулқурпа, тахмонпеч, токчапеч, зардевор, жойномозлардан ташқари сарпосига қозиқрўмол, докарумол, лунги солар, келин буюмлари булган. Буларнинг ичида, айниқса лунгисолар бош кийими диққатга сазоворлир. Бу келин епинадиган рўмол бўлиб рўмол марказида югуриб кетаётган одамчани расми бўлган. Бу расм ипак билан тикилган. Бу нишон шу келинга оилавий бахт ва узоқ умр кўриш тилаги ҳисобланган. Бу румолни келин биринчи фарзанди тугилмагунча епиниб юрган.

Қозиқ лунги-хона безаги бўлибгина қолмай дафн маросимларига аёллар белига богланган.

Каштачилик санъати қизлар тарбиясида аҳамияти катта. Бу санъат қизларимизда ватанпарварлик тарбиясини устиради. Она табиатга булган муҳаббатини, табиатга булган гамхурлигини оширади. Қизларимизни сабр қаноатга ургатади. Булажак оиласига булган муҳаббатини кўпайтиради, қолаверса кашта тикадиган қизларимиз дидли булишади. Улар камтар ва дид билан кийинишади, ширин сузлиги, нозик табиати билан халқимизнинг ҳурматига, олқишига сазовор булишади.

Хосият УЗОҚОВА, Республика таълим илмий методика марказининг етакчи мутахассиси

«Кичкинтоймиз, гижинг тоймиз...» Д. Аҳмад олган сурат

Рўзғор ташвишлари

СИРЛАНГАН ИДИШНИНГ ФОЙДАСИ

Сирланган идишлар озиқ-овқат таркибидаги ҳар хил туз ва кислота таъсирига, чидамли булади. Шу билан бирга маҳсулотни бевосита металл таъсиридан асрайди, айни пайтда озиқ-овқат таркибидаги витамин ва фойдали модда-ларни узоқ сақлаб қолади. Сирланган идиш узоқ ишлатилиши учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилишни унутманг.

Агар иссиқ идишни совутиш учун сув қуйилса ёки бу идиш иссиқ плитада қолдирилса, сир қоплама дарз кетади. Идишдаги сир қопламанинг дарз кетиши меъёрсиз иситиш натижасида ҳам юз беради. Бунинг учун кострюль ёки чойнакни газ плитаси ёхуд электр конфоркага тўғри қўйиш лозим. Шу маслаҳатларга амал қилсангиз, электр қуввати ва газдан оқилона фойдаланган буласиз. Банди пластмассали идишларни газ духовкага қўйиш мумкин эмас. Идишнинг банди бурама михлар билан мустаҳкамланган булса, уларни вақти-вақти билан бураб туриш керак.

Одамлар орасида

КЎНГИЛ

— Отангга айт, белида белбоғи булса, бешик туйи қилсин.

Қайнонасининг бу сўзларидан Замира қаловланиб қолди.

— Ахир, — деб оғиз жуфтлаганини билади, қайнонаси бобиллаб берди.

— Мендаям орзу ҳавас бор. Бугун бор булсам, эртага йўқман. Курганим қолади. Шакар отиндан қаерим кам. Худога минг қатла шукур. Утли-шудли турт ўғлим бор.

Кечқурун Собир дастурхонга фотиҳа тортилгач идишларни йиғитираётган хотинидан сўради:

— Ҳа, намунча бугун қовоқ-тумшугинг осилган?

Замира жилмайишга чоғланди-ю, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. Аксига олгандек қошлари чимирилиб кетди.

Собир савол назари билан онасига қаради.

— Украйма! — деди Ҳалима опа. — Хотинингга бешик туй қиламиз дегандим, ёқмади.

— Бешик туй дейсизми?

— Ҳа, нега аграясан?

— Уйлаб гапираяпсизми? Ахир онасининг йили утган йўқ-ку ҳали!

— Ишинг булмасин. Вохид қассоб онасининг йили тугул қирқи утмасидан уғлини уйлантирди.

Собир шапт билан урнидан туриб кетди.

— Айттаним бул

ДУШАНБА, 16

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 16 декабрь куни ЎзТВ 1 кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дилнавоз садолар.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Хафтанома».
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 Хива — 2500. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аср муаммоси». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Оҳангграбо». Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри спектакли.
11.10 «Ўзгуликка йўғрилган умр». Телеочерк.
11.30 «Темурнома».
11.50 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Фитна». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гаройиб Гоша». Мультфильм.
18.05 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Араб Амирликлари — бугунги кунда». Ҳужжатли фильм.
22.50 «Спортнинг ажиб тури». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультфейерверк».
19.00 «Безнен мирас».
19.30 «Бу ажиб дунё».
19.50 «Кафолат».
20.20 «Азизим...»
20.50 «Мезон».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Британия кундалиги».
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Уй остонадан бошланади».
23.25 «Гулдаста».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
9.10 Кинолавҳа.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
10.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.40 «Театр учрашувлари».
11.10 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 Мумтоз ашулалар.
12.30 «Анъана ва замон».
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Катта танаффус».
18.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
19.15 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
21.20 «Умримдан розиман». Рамз Бобожон.
21.45 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.10 «Стадионда учрашамиз».
22.35 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Керакли одам». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.10 — 21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
*
Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Она».
19.30 «Океандан океангача». USA-круиз.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Шаҳрим-фахрим».
21.55 «Интерспорт».
22.05 «Эколот-коктейль».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Шамол қанотларида самo сари интилувчи орзулар». Телефильм (Япония).
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 «Темурнома».

11.50 «Соғлом авлод учун».
12.15 Дутор ва танбур тароналари.
12.45 «Олтин калитча». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
19.20 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ватанимни куйлайман». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Мафтункор чеҳралар».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Хуш келибсиз!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Дилором наволар».
9.30 «Таманно».
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.50 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10—24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Голиб». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.15 — 21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 «Оқ йилқи». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Замин саховати».
20.00 «Ер сайёраси».
20.15 Фан ва технология. «Жиддий нарсалар ҳақида ҳазиллашиб».
20.45 Эълонлар.
20.50 Келинг, кулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси». («Коламбия пикчерс», АҚШ). 3-серия.
21.05 «Коинот».
21.35 «Сакура шохчаси».
22.05 Эълонлар.
22.10 Араб эстрадаси.
22.35 «КВН-96».
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
11.05 «Йўллар ва ўйлар».
11.30 «Темурнома».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.50 «Бахс».
12.10 «Ватанпарвар».
12.40 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
13.00 «Жону дилим санъат». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг актёри Равшан Солиҳов.
14.00—14.30 «Ёшлар ижоди».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. 3 — 4-ўринлар учун ўйин.
22.55 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Шукур Бурҳонов.
23.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Финал.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

00.50 «Сўққабош эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20—14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кадр ортидан».
20.05 «Жозиба».
20.15 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.25 — 21.40
*
21.40 Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия давлат телевидениеси
23.05 — 23.35
*
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.55 «Болеро». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 «Чинсэн».
10.50 «Клип-антракт».
10.55 «Комедиантлар».
11.15 «Клип-антракт».
11.20 «Спектаклдан сўнг».
11.45 — 12.45 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 2-серия.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 «Беш дақиқа ўзинг учун».
20.40 Кинонинг олтин асри. «Зорронинг катта саргузаштлари». Бадиий фильм.
22.05 «Рақслар қанотида».
22.35 «Эсдалик учун дастхат».
23.05 «Ассалом, Франция!» дастурига илова. Бретань.
23.45 Эълонлар.
23.50 «Жиллет-спорт».
00.20 «Бу ажиб дунё».
00.40 «Комедиантлар».
01.00 — 01.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ўзбекистон спорти». Тележурнал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 21-кўй.
13.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.40 «Нодир хазина».
14.10 — 14.50 Бастакор Султон Ҳайитбоев ижоди.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Яқинлашаётган Америка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Бу мунис ҳаҳъалар».
21.50 «Шахс ва бахс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-кўй.
22.55 «Футбол олами».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.10 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Кадр ортидан».
10.30 «Жозиба».
10.40 «Олтин кент».
10.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дўкон».
11.25 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.50 «Боланинг тили...»
19.00 «Дилором наволар».
19.10 «Умрбоқий мерос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Дармон».
21.20 «Лаззат».
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
00.20 Дастур ниҳояси.

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.00 — 20.50
*
20.50 Бадиий фильм. 2-серия.
22.15 Эълонлар.
22.20 — 22.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртаклар бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Дарвоқе». Биз 3 ёшдамиз.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Френсис Коппола фильми. «Дракула».
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Телевидение — менинг ҳаётим». Галина Мельникова.
19.50 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 «Биргаликда куйлайлик».
21.10 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.40 Киносалон. Акиро Курасава фильми. «Кугимуша». 1 ва 2-серialар.
23.50 «Голливуд-рок».
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» Ҳаракатининг нашри бўлмиш «Бирлик» ва «Единство» газеталарига обуна давом этмоқда.
«Бирлик» - идора учун 64707
якка тартибда- 64706
«Единство» - идора учун 64709
«якка тартибда - 64708

1996 йил 10 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Омад» ютуқли омонатининг 1-тиражи бўйича

РАСМИЙ ЖАДВАЛ

Барча Халқ банки муассасаларидаги «Омад» ютуқли омонатининг қуйидаги ҳисоб-рақамларига ютуқ тушди.

Ҳисоб-рақами	Фоизга нисбатан ютуқ миқдори (марта)
1. О-д 0 0 1 0	3 (марта)
2. О-д 0 0 3 9	3 (марта)
3. О-д 0 0 6 0	3 (марта)
4. О-д 0 0 6 6	3 (марта)
5. О-д 0 2 2 5	3 (марта)
6. О-д 0 2 3 2	5 (марта)
7. О-д 0 2 8 5	3 (марта)
8. О-д 0 2 9 8	3 (марта)
9. О-д 0 3 1 6	3 (марта)
10. О-д 0 4 2 4	10 (марта)
11. О-д 0 4 3 3	3 (марта)
12. О-д 0 4 4 7	3 (марта)
13. О-д 0 4 5 5	3 (марта)
14. О-д 0 5 8 5	20 (марта)
15. О-д 0 6 4 6	3 (марта)
16. О-д 0 6 4 8	3 (марта)
17. О-д 0 7 0 0	3 (марта)
18. О-д 0 7 4 2	3 (марта)
19. О-д 0 7 8 6	3 (марта)
20. О-д 0 9 0 2	3 (марта)
21. О-д 0 9 0 4	3 (марта)
22. О-д 0 9 2 2	10 (марта)
23. О-д 0 9 2 5	5 (марта)
24. О-д 0 9 3 8	3 (марта)
25. О-д 0 9 5 5	3 (марта)

Ҳисоб-рақамлари 1000 дан ортиқ бўлган Халқ банки муассасаларидаги кейинги барча 1000 рақами сонларидаги ўша ҳисоб-рақамлари ҳам ютуқлидир.

Масалан: № 10 10, № 20 10, № 30 10 ва ҳ. к.,

№ 10 60, № 20 60, № 30 60 ва ҳ. к.

К. Н. МУРОДОВ,
Тираж комиссияси Раиси
М. Н. УСМОНОВ,
Тираж комиссияси раисининг муовини
М. К. КАРИМОВ,
Тираж комиссиясининг маъсул котиби

Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва турли шакллдаги тадбиркорлик ҳодимлари касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси бош ҳисобчи Р.Х.Рахматуллинага турмуш ўртоғи

Асҳат Мифтохович САГИТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТЗТ

Тошкент ҳисоблаш техникаси ва информатика «ХТИ СПЕКТР» (VTI SPECTR) жамоа корхонаси компьютер ва касса аппаратларини етказиб беради, техникавий хизмат кўрсатади, созлайди, такомиллаштиради, ходимларни ўқитади, техникаларни зарур ашёлар билан таъминлайди.

Тошкентдаги омбордан қуйидаги техника анжомлари ва буюмларни сотади:

МВ (3V 3, 6V) марказий плата аккумулятори	230-320 сўм	Hundal - 920	450 сўм
HDD 20 MB /ST-225	3400 сўм	OKI- ML-183	400 сўм
Дисковод МД 5201 360 Кв	1500 сўм	Robotron	300 сўм
Mous hoider мосламаси	900 сўм	Refil HP 51626 сиёҳи	2000 сўм
centronics кабели	800 сўм	Лазерли принтерлар учун картрижлар:	
SIMM 1MB	3000 сўм	ККМ 57 ммх40 м учун қоғоз	40 сўм 15 сўм (нақд)
Блок вентилятори	800 сўм	ККМ 40 ммх120 м учун қоғоз	18 сўм(нақд)25 сўм
ПИП «Электроник» (ҳимояловчи фильтр)	1800/2000 сўм	ККМ 44х50 (хорижий) учун қоғоз	40 сўм
Saund 2000 фаол колонкалари	4500 сўм	ККМ 37,5х50 (МДҲ) учун қоғоз	32 сўм
5,25"\ 3,5" тозалаш дискетаси	500 сўм	Автомобилнинг реле-регулятори	550 сўм
Ёзув машинкалари учун кўп марта фойдаланиладиган OLIVETTI, SAMSUNG, SMITCORONA картрижлари	700/670	OKI-ML позиционлашган линейкаси	200 сўм
		Диодлар, транзисторлар, резисторлар.	
принтерлар учун картрижлар:		Микросхемалар ва бошқалар шартнома буйича	
Seikoha SP - 1000	400 сўм	Янги йил арчаси ва магазин стендларидаги электр чироқлари маржонини учириб ёқиш-ток утказгич-электропроигриватель	299 сўм
Star - 1500/2400	400 сўм		
Panasonic	400 сўм		
Epson LX—100	400 сўм		

Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 42-уй, «Мирзо Улуғбек» метро бекати ёнида.
Телефонлар: (3712) 78-20-92, 78-20-88. Факс: 78-14-09

Олам ичра олам

БАРМОҒИНИ ТИШЛАДИ

Бу қўҳна дунёда ғаройиб, мўъжизавий ҳодисалар учраб туриши табиий. Аммо одамларнинг инсонийликка ёт бўлган ҳар хил ҳунарлар кўрсатиши мумкинми? Мумкин деган хулосага келди Москва шаҳар ДАН ходимларидан биттаси. Сабаби у ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида «Москвич-412» русумли автомашинани тухтатди. Ҳужжатларни текшириш пайтида ҳайдовчи ДАН ходими билан айтишиб қолиб, унинг кўкрак нишонини ва погонларини узиб ташлади. Ҳатто бармоғини тишлаб олди. Бу билан ҳам чекланмай пичоқ ўқталди. Чорасиз қолган миршаб осмонга огоҳлантирувчи ўқ отиб безорини қўлга олди.

ОМБОРЛАРДА НИМА БОР?

Сарлавҳани ўқибоқ омборда озиқ-овқатдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин деган фикр хаёлингизда чарх урган бўлиши керак. Шимолий Осетиядаги омборлардан бирида аҳвол умуман бошқача бўлиб чиқди. Владикавказда ўтказилган «Арсенал» операцияси натижасида шу нарса аниқландики, аҳоли яшайдиган уйларнинг ертўласидан 151 та снаряд ва 17 та портлатувчи қурилмалар топилди. Шунинг учун ҳам омборларда нима борлигидан огоҳ бўлинг.

ЯНГИЧА АЙИРБОШЛАШ

Куба ўзининг шакари билан бутун дунёга машҳур экани ҳаммамизга яхши маълум. Эндиликда океан орти давлати шакарлари Германияга ҳам келтириладиган бўлди. Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси эса ўз навбатида Куба ишбилармонларига ҳар хил турдаги автомобил моторлари етказиб беради. Қизиғи шундаки, келишувга мувофиқ 800 та моторга 1,5 миллион қоп айирбошланади. Ҳар қопда қанча шакар бўлиши эса кўрсатилмаган.

Озод БЕК тайёрлади.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром САЙДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф.МУЛЛАЖОНОВ, М.ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТЎЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56—25—36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56—52—89
Масъул котиб — 56—52—78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт — 56—82—79. Ахборот ва спорт — 56—87—63. Маънавият ва маданият — 56—82—79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш — 56—85—43. Тижорат ва ҳуқуқ — 56—85—66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Жиззахда —3—82—18. Наманганда — 6—22—10. Самарқандда — 35—64—24. Фарғонада — 24—58—43. Урганчда — 6—03—40. Қаршида — 5—33—71.

- **Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.**
- **Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.**
- **Сотувда эркин нархда.**

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24—уй.

- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А—2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй. Нусхаси — 27.999. Буюртма Г— 0720. Босишга топширилди вақти — 20.00. Топширилди 19.30. Масъул навбатчи: Улуғбек АХРОРОВ 1 2 3 4 5 6